Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

OZBEKISTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 11 ноябрь, пайшанба № 212—213 (21.564). Сотувда эркин нархда.

ТОШКЕНТ ВА АЛМАТИ:

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

АЛМАТИ. 10 ноябрь (ЎзА) махсус мухбири Лев Левин телефон орқали хабар қилади).

Россия раҳбарияти ва Россия Федерацияси Марказий банкининг Қозоғистон ва Ўзбекистонни рубль зонасидан «суриб чиқариш» бўйича тутган йўли пировард натижада Москва ўтказиб келаётган сиёсат изчил эмаслигини яна бир бор кўрсатди. Шу боисдан Марказий Осиёдаги мазкур икки давлат ўз миллий валютасига ўтишга тайёр бўлиб турибди. Бу — ҳар қандай мустақил давлатнинг қонуний ҳуқуқидир. Ўзбекистон делегацияси бугун Алматига етиб келиши билан аэропортда матбуот ходимлари билан бўлган мулоқотда Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев ана шу фикрни айтдилар.

Бир кунлик музокаралар вақтида давлат ва ҳукумат бошлиқлари, экспертлар сифат жиҳатидан янги минтақавий бозорни яратишнинг кенг миқёсли дастурини ишлаб чиқадилар. Президентлар, шунингдек бир қанча муҳим ҳужжатларни имзолайдилар. Булар — 2000 йилгача Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётини бирлаштириш дастури, бир вақтда миллий валюталарни жорий этиш тўғрисидаги ҳужжатлардир. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу — қардош мамлакатларимиз учун энг асосий масаладир.

— Ҳақиқий дўст хурсандчилик кунида эмас, бошга ташвиш тушганда билинади, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон Қозоғистон билан республикамиз ўртасида имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага ҳамиша содиқ, унинг ҳамма бандларига риоя қилиб келмоқда. Энди биз тармоқлар ва ишлаб чиқариш жабҳаларини такрорлашдан воз кечиб, интеграцияни кенг ривожлантиришимиз зарур. Вазиятнинг ўзи шуни тақозо қилмоқда. Катта иқтисодий қудрат, бой табиий ресурсларга эга бўлган мамлакатларимиз иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун барча имкониятларга эга. Ҳозирги асосий вазифа — ўтиш даври халқларимиз учун машаққатсизроқ кечишини таъминлашдан иборат, бунга эришиш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Табиийки, Алматидаги учрашув жаҳондаги кўпгина мамлакатлар сиёсатчилари, иқтисодчилари, оммавий ахборот воситалари ўртасида ғоят катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу қизиқиш россияликларни ҳам четлаб ўтгани йўқ, албатта. Ишончли манбалардан маълум бўлишича, яқинда Москвада бош вазир ўринбосарлари О. Сосковец ва А. Шохин вазирлар билан кенгаш ўтказган. Кенгашда Россия билан Қозоғистон ўртасида иқтисодий алоқаларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тўғрисида гап борган. Кенгашда шунингдек, Ўзбекистон билан ҳам икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масаласи кўтарилган. Бу — ўз қобиғига ўралиб яшаш ҳеч қачон ижобий натижа бермаслигини кўрсатувчи далилдир.

— Ислом Каримов билан Алматида учрашишимиз табиий ҳол, — деди Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев. — Вазият яқиндан ҳамкорлик қилиш нақадар зарурлигини кўрсатмоқда. Бу — тараққиётимизнинг ягона тўғри йўлидир. Шуни таъкидлашим лозимки, Ўзбекистон ва Қозоғистонда миллий валюталарнинг жорий этилиши ҳеч кимнинг манфаатига путур етказмайди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз биродарлар!

Эришган улкан меҳнат зафарингиз муборак бўлсин!

Сизлар саховатли Сурхон заминида 400 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етиштириб, Ватанимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшганингиз, айниқса, ғоят қимматбаҳо ҳисобланган ингичка толали дуру жавоҳирнинг салмоқли хирмонини бунёд этганингиз билан қадимий воҳа пахтакорларининг шижоати, мардлиги ва фидойилигини яна бир карра намойиш этдингиз.

Истиқлолимиз бахш этган бебаҳо кунларда эришган бу ғалабангиз она юртимиз иқтисодий равнақини, одамларимиз катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Бозор муносабатларига ўтишнинг мустақил давлатимиз томонидан таъминланган тамойилларини янада ҳаракатлантирдилар. Бу ҳаракатлик истиқлолнинг келажагига бўлган ишонч меҳнат жараёнида, хусусан пахта етиштиришдаги қийинчиликларни енгишда қўл келди.

Мустақиллик деган гап бу шиорпарастлик эмас, имтиёз ҳам эмас, балки яхши ишлашга имконият, ҳар қандай боқимандалигу бировнинг меҳнати орқасидан кун кўришга ўхшаш кайфиятларни инкор қиладиган қудратли маънавий чашма эканлигини одамлар ортиқча ташвиқотларсиз идрок эта бошладилар.

Бу йил асосий майдонларда серҳосил, эртапишар, толаси пишиқ пахта навларини экишга эътибор берилганлиги, одамлар шовқинсуронсиз, ортиқча мажлисларсиз бир-бирларини тўғри тушуниб ишлаганликларини, ёнилғи танқис бўлиб қолган пайтларда йўқдан бор қилиб иш юритганликларини муваффақият натижаси деб билмоқ керак. Қумқўрғон, Денов, Шеробод, Ангор, Узун, Шўрчи туманлари, «Хазорбоғ», Н. Мирзаев номли, «Толлимарон», «Оқ қапчиғай», Ш. Рашидов номли, Н. Муродов номли, С. Бойматов номли, «1-Май», «Сурхон» хўжаликлари пахтакорларининг ишлари кўп жиҳатдан бошқаларга ибратли бўлгани диққатга сазовордир.

Бу йил ҳар қачонгидан кўп одам пахта йиғим-теримига чиқди. Пахта терганларнинг меҳнат унумдорлиги юқори бўлди. Ура-урачилик, шошма-шошарликка берилмасдан одамлар ақл билан ишлашга ўргандилар. Хўжаликларнинг пахта толасини сотишдаги манфаати ва ҳуқуқлари оширилгани катта ижобий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, биз мустақил республикамиз хирмонига 400 минг тонна пахта етказиб бердик. Бу хирмоннинг 150 минг тоннага яқини ингичка толали пахтадир. Ҳосилдорлик гектарига қарийб 32 центнерга етказилди. Асосий ҳосил юқори навларга сотилди.

Жарқўрғондаги ип-йигирув ва тикув фабрикаси бундан икки йил муқаддам вилоятдаги толани қайта ишлайдиган ягона корхона эди. Биз ҳозир толамизнинг фалон фоизини ўзимиз қайта ишлаяпмиз, деб мақтана олмаймиз. Лекин ҳозир бир қанча туманларимизда ип йигирув ва тикув цехлари, фабрикаларини қуришга киришганимиз, бу борадаги режаларни амалга ошираётганимиз, иш ўринларини кўпайтираётганимиз бизнинг эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди.

Қишлоқларда Президентимиз Фармонларини амалга ошириш, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳали фойдаланилмаётган имкониятларни ишга соламиз. Пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай териб олиб, кузги-қишки деҳқончилик юмушларини ва биринчи навбатда ғалла экишни ўз вақтида амалга оширамиз.


Дастурхонимиз қут-баракасини ошириш йўлида қўйилган ғоят қутлуғ ва шарофатли қадамдир.

Сизлар барча соҳаларда ҳам 1993 йилни муваффақиятли якунлайсизлар, аниқ асосланган режалар билан сидқидилдан меҳнат қилиб, озод Ўзбекистонимизнинг буюк, мустаҳкам, гўзал мамлакат бўлишига ҳисса қўшаверасизлар, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, бахт-иқбол тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.



ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЁРУҒ КУНЛАРГА ЕТКАЗАДИ

Жўра НОРАЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими

«Оқ олтин» деб ёзганда бу сўзни қўштирноқ ичига олмасликларини таклиф қиламан. Пахта — чиндан ҳам олтин. Элнинг ризқ-рўзи, фаровонлиги.

Бу гапнинг маъносини биз, айниқса, кейинги икки йил давомида — Ўзбекистонимиз истиқлолнинг шарафли йўлига чиқиб олганидан янада равшанроқ англаб етмоқдамиз. Республикамиз Президенти И. Каримов пахта етиштиришнинг нақадар масъулиятли, мураккаб иш эканлигини яхши биладилар. Шунинг учун қачон, қаерда бўлмасин, биринчи навбатда пахтакорнинг манфаатини ёқлаб гапирадилар. Тер тўкиб, меҳнат қилганга, бойлик яратганга ғамхўрлик қилишни бободеҳқон аҳли чуқур ҳис қилиб турибди.

Президентимизнинг шу йил апрель ойида Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқини, кейинги пайтларда нашр қилинган рисолаларини, одамларимиз катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Бозор муносабатларига ўтишнинг мустақил давлатимиз томонидан таъминланган тамойилларини янада ҳаракатлантирдилар. Бу ҳаракатлик истиқлолнинг келажагига бўлган ишонч меҳнат жараёнида, хусусан пахта етиштиришдаги қийинчиликларни енгишда қўл келди.

Мустақиллик деган гап бу шиорпарастлик эмас, имтиёз ҳам эмас, балки яхши ишлашга имконият, ҳар қандай боқимандалигу бировнинг меҳнати орқасидан кун кўришга ўхшаш кайфиятларни инкор қиладиган қудратли маънавий чашма эканлигини одамлар ортиқча ташвиқотларсиз идрок эта бошладилар.

Бу йил асосий майдонларда серҳосил, эртапишар, толаси пишиқ пахта навларини экишга эътибор берилганлиги, одамлар шовқинсуронсиз, ортиқча мажлисларсиз бир-бирларини тўғри тушуниб ишлаганликларини, ёнилғи танқис бўлиб қолган пайтларда йўқдан бор қилиб иш юритганликларини муваффақият натижаси деб билмоқ керак. Қумқўрғон, Денов, Шеробод, Ангор, Узун, Шўрчи туманлари, «Хазорбоғ», Н. Мирзаев номли, «Толлимарон», «Оқ қапчиғай», Ш. Рашидов номли, Н. Муродов номли, С. Бойматов номли, «1-Май», «Сурхон» хўжаликлари пахтакорларининг ишлари кўп жиҳатдан бошқаларга ибратли бўлгани диққатга сазовордир.

Бу йил ҳар қачонгидан кўп одам пахта йиғим-теримига чиқди. Пахта терганларнинг меҳнат унумдорлиги юқори бўлди. Ура-урачилик, шошма-шошарликка берилмасдан одамлар ақл билан ишлашга ўргандилар. Хўжаликларнинг пахта толасини сотишдаги манфаати ва ҳуқуқлари оширилгани катта ижобий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, биз мустақил республикамиз хирмонига 400 минг тонна пахта етказиб бердик. Бу хирмоннинг 150 минг тоннага яқини ингичка толали пахтадир. Ҳосилдорлик гектарига қарийб 32 центнерга етказилди. Асосий ҳосил юқори навларга сотилди.

Жарқўрғондаги ип-йигирув ва тикув фабрикаси бундан икки йил муқаддам вилоятдаги толани қайта ишлайдиган ягона корхона эди. Биз ҳозир толамизнинг фалон фоизини ўзимиз қайта ишлаяпмиз, деб мақтана олмаймиз. Лекин ҳозир бир қанча туманларимизда ип йигирув ва тикув цехлари, фабрикаларини қуришга киришганимиз, бу борадаги режаларни амалга ошираётганимиз, иш ўринларини кўпайтираётганимиз бизнинг эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди.

Қишлоқларда Президентимиз Фармонларини амалга ошириш, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳали фойдаланилмаётган имкониятларни ишга соламиз. Пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай териб олиб, кузги-қишки деҳқончилик юмушларини ва биринчи навбатда ғалла экишни ўз вақтида амалга оширамиз.

Дастурхонимиз қут-баракасини ошириш йўлида қўйилган ғоят қутлуғ ва шарофатли қадамдир.

Сизлар барча соҳаларда ҳам 1993 йилни муваффақиятли якунлайсизлар, аниқ асосланган режалар билан сидқидилдан меҳнат қилиб, озод Ўзбекистонимизнинг буюк, мустаҳкам, гўзал мамлакат бўлишига ҳисса қўшаверасизлар, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, бахт-иқбол тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг

Б А Ё Н О Т И

Кейинги пайтда ижтимоий ҳаётимизда юз берган айрим нохуш воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизматига ушбу баёнотни жамоатчиликка етказиш ваколати юклатилди.

Сўнгги вақтларда баъзи жойларда, хусусан, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида республикамиз Президентининг шахсини улуғлашга уриниш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Фарғона вилоят ҳокимлиги биносида Президентнинг бюсти — ҳайкали ўрнатилгани бу салбий ҳодисага бир мисолдир.

Беозор кўринган бу хатти-ҳаракат замирида қандай мақсадлар ётганини сезиш қийин эмас. Мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи, виждоний вазифаси бўлиб турган масъулиятли бир паллада эзгу ишларимизга ортиқча маҳлиё бўлиш, уларни миннат қилиш, таъма илинжида раҳбар шахсини улуғлаш — бандасига ҳам, яратганга ҳам хуш келмайди.

Президентнинг расман тасдиқланмаган портретларини тўғри келган жойга илаверириш, юртбошимиз номига жамоа-жамоа бўлиб мактублар битиш оммавий тус олаётгани жамоатчиликни, энг аввало, Президентнинг ўзини ташвишлантирмоқда.

Республика Олий Кенгашининг XII сессияси ва Сирдарё вилоятининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқларида Президент бундай ҳаракатларга чек қўйишни қатъий талаб қилган бўлса-да, уларнинг ҳалиҳануз давом этиб келаётгани ташвишланарли ва кўнгилсиз ҳолдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати ўз ваколатига асосан яна бир карра таъкидлайди: Президент ҳеч кимнинг мақтовига муҳтож эмас. Президент талаб этадиган нарса — ҳалоллик, инсоф, ишчанлик ва юртпарварлик. У хушомадгўй кимсаларга эмас, оддий, беғараз инсонларга, иймони бут, виждони тоза, ақли расо одамларга таянади.

Маълумки, 1993 йил 23 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ҳайкаллар ва ёдгорликлар ўрнатиш ҳамда лойиҳалаштиришни тартибга солиш тўғрисида» деб чиқарган 305-қарорининг 3-бандига мувофиқ инсонга ҳаётлигида ҳайкал ўрнатиш ёки номини абадийлаштириш қатъий тақиқланган. Бу қарор гўё яхшилик қиляпман деб, аслида эса Президентнинг обрў-эътиборига путур етказаётган кишиларни огоҳлантириш, хушомадгўй кимсаларнинг жиловини тортиш учун ҳам чиқарилган эди.

Ҳукумат қарори — қонун кучига эга. Бинобарин, кимки шу қонунни бузса, қилмишига яраша жавоб беради.

БАЁНОТГА ШАРҲ

Раҳбарнинг шахсини улуғлаш, уни кўкларга кўтариш одати — ёмон иллатдир. Эсли-ҳушли, соғлом фикрли раҳбар ҳеч қачон «мени мақтанглар» деб айтмайди. Оқил раҳбар мансаб ёки амал ўткинчи эканини доимо ёдда тутади ва эзгу ишлари билан эл-юртнинг дилида қолишни орзу этади. Халқ деб яшаб, халқ деб меҳнат қилиб, эвазига ҳеч нарса таъма этилмайдиган фидоийликнинг номи — савоб. Бу шундай улуғ тушунчаки, унда иймон, инсоф, диёнат каби барча олийжаноб фазилатлар мужассамдир.

Аммо савобнинг кўчасидан ўтмаган бир гуруҳ лаганбардор кимсалар ҳам борки, уларнинг жамиятга, фуқаро руҳиятига етказадиган зарарини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Улар одатда халқ номидан гапирадилар ва нишонга олинган олий лавозимли кишига хушомадни «Эл сизни севади ва ардоқлайди» каби сўзлардан бошлайдилар.

Халқимиз хушомадни ёқтирмайди. Халқимиз хушомадни табиатига хилоф деб билади. Оддий фуқаро, айниқса, нуроний кексалар бировга миннатдорлик изҳор этмоқчи бўлса, унинг ўзини мақтамайди, балки соддагина қилиб «отасига раҳмат» деб айтади. Бировнинг юзига қараб мақташ асли ота-бобомизнинг қонида йўқ.

Тарихий шахсларнинг буюк ишларига, халқ хаёти, халқ тақдирида муҳим бурилишлар ясаган олийжаноб фаолиятларига берилган олий баҳо эл-юртнинг оддийгина бир дуосидир. Чунки барча эзгу ишлар эл-улус йўлида қилинади. Тарихнинг ягона ижодкори — халқдир. Оқил раҳбарнинг бахти шундаки, у халқ дилидаги дардларни бошқалардан кўра теранроқ ҳис қилади, англайди, ифода этади ва уларга малҳам излайди.

Хушомадгўй шахслар қаёқдан пайдо бўлади? Уларнинг мақсади нима? Умуман, шахсга сиғиниш илдизи нима ва у қандай қилиб жамият ҳаётини заҳарлайди?

1. Хушомадгўйликнинг биринчи ва асосий сабаби шуки, бу йўлга ўтган одам ўз кучига ишонмайди, билими саёз, иродаси ва иймони суст бўлади. Унинг бирдан бир қуроли — хушомад, мансаби баландроқ кишиларга икки букилиб таъзим қилиш. Шу йўл билан тузукроқ амалга миниш пайидан бўлади.

2. Лаганбардорлар орасида аксарият янгича фикрлайдигани учрамайди. Эскича қарашлар уларнинг қонига, суяк-суягига сингиб кетган бўлади. Уларни эртаиндин ақли кирар, яхшиликка қараб ўзгарар, деб ўйламоқнинг ўзи хато. Лаганбардорликни касб этган кимса айни иллатдан икки дунёда ҳам халос бўлолмайди.

3. Хушомадгўйликнинг бемаза қовун уруғига ўхшаб урчишига яна бир сабаб шуки, лаганбардорлар ўзаро мусобақа ўйнаб, бир-бирларидан ўзиб кетишга ҳаракат қиладилар. Ким кўпроқ сайраса, ким кўпроқ садоқат изҳор этса, гўё ана шу мусобақада енгиб чиққан ҳисобланади.

4. Масаланинг ўзига хос илмий, психологик жиҳати ҳам мавжуд. Шу нуқтаи назардан қаралганда, энг ожиз, қўлидан иш келмайдиган кимсалар хушомадни ўзларига қалқон этишларини кўрамиз. Хушомад улар учун бамисоли деворлари баланд бир қалъа. Ундай кимса лаганбардорликни дўндириб қўйиб, кейин атрофдагиларга мағрур назар ташлайди: қаранглар, мен қандайман, катталарга нақадар яқинман, қудратим ана шундай буюк, энди ҳеч қайсингни бир тийинга олмайман, дегандек бўлади.

Ориятли одам хушомад қилолмагани каби хушомадгўй кимса олийжаноблик қилолмайди. Хушомадгўй одатда ўта палид ва оқибатсиз бўлади. Раҳбарни биринчи бўлиб мақтаб, осмони фалакка кўтариб йўлдан оздирадиган ҳам шулар, кейинчалик, раҳбар мансабидан тушгач, биринчи бўлиб сотадиган ҳам, ўзи сиғиниб юрган инсон шаънига биринчи бўлиб маломат тошларини отадиган ҳам шулар.

Лаганбардорликка эътибор бермаслик, хушомадгўйлар устидан енгил истеҳзо билан кулиб юравериш ҳам мумкин. Аммо, хушомад деган нарса лаганбардорларнинг ўзларини хароб этса ҳам бирнав эди, афсуски, хушомад ақлли, ҳушёр раҳбарларни ҳам йўлдан оздириши мумкин. Энг хавфли томони шуки, хушомаднинг турган-битгани ёлғон бўлади-ю, лекин эшитган одамга юз фоиз рост бўлиб туюлади. Охир-оқибат шу бўладики, эсли-ҳушли бир инсон сохта лутфларга лаққа тушиб, бир тўда бетайин хушомадгўйнинг қўлидаги қўғирчоққа айланиб қолади. Ана шундан худо асрасин!

Ҳар куни, ҳар соат ва ҳар дақиқада «Сиз — даҳосиз», «Сиз — буюк инсонсиз», «Сиз — халқимиз отаси бўласиз» деган гапларни эшитиб турган ирода-сиз раҳбар, ахийри, шу гапларга тамомила ишонади ва доҳийлик касалига дучор бўлади.

Агар раҳбар буюклик даъво қила бошласа, хушомадга ишониб, мамлакат жиловини тўрт-беш лаганбардорга топшириб қўйса, эл хонавайрон бўлади. Бир ҳовуч одам зўравон бўлиб, телбалик йўлига ўтади. Ҳалиги раҳбарнинг касали аста-секин вилоятларда, туманларда, қишлоқларда иситма бера бошлайди. Жойларда ҳам «доҳий»чалар пайдо бўлади. Тазйиқ кучаяди. Бебурд мансабдорлар маишатга, айш-ишратга берилади, фуқаронинг ҳолидан хабар олмай қўяди. «Доҳий» ва «доҳий»чалар атрофида тўпланган катта-кичик манфаатпараст гуруҳларга мансуб кишилар бойлик орттиради, асосий кўпчилик эса хонавайрон бўлади. Элюртдан барака кўтарилади. Тартибсизлик, бузғунчилик авж олади. Меҳнаткашнинг косаси оқармайди.

Эски замонда худди шундай бўлган. Кечаги кун ҳам шу эди. Агар биз тарих саҳифаларини инобатга олмасак, кўра-била туриб доҳийбозлик хуружига берилсак, халқ тақдири ва давлатимизнинг буюк келажаги ҳақидаги гапларимиз қайга боради?!

Сирдарёдаги мажлисда Президентимиз бир гапни айтган эди, шуни эслатиб ўтмоқчимиз: бу дунё — чархпалак, бугун биров тепада бўлса, эртага чархпалак бир айланиб, бошқа одам тепага чиқади. Шундай экан, ҳар қандай вазиятда — чархпалак тепасида бўлганимизда ҳам, пастида бўлсак ҳам, иймонни, номусни, меҳр-оқибатни кўз қорачиғидай асрашимиз керак. Инсоннинг иймони муқаддас. Уни бугун йўқотиб, эртага яна қайтадан топиб бўлмайди. Мансабдан, халқ билдирган ишончдан нопоқ мақсадлар йўлида фойдаланиш гуноҳи азимдир. Буни катта-кичик ҳамманинг онгига сингдирмоқ лозим.

Албатта, бутун маърифий дунёда эътироф этилган давлат тимсоли, давлат рамзи каби олий тушунчалар мавжуд. Уларга кўра, олиймақом идораларда Давлат байроғи, герби билан бир қаторда давлат бошлиғининг расман тасдиқланган сурати осиб қўйилади. Бинобарин, расмий тартибот бошқа, хушомадгўйлик бошқа.

Хушомадгўй кимса ҳеч қачон эркин бўлолмайди. Ориятли одамгина эркиндир. Мустақил Ўзбекистон аҳли фикран ва қалбан мустақил, юксак ғурурли бўлмоғи лозим. Ана шундагина эркин ҳаёт кечириш, ҳақиқий демократик жамият қуриш мумкин.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЁРУҒ КУНЛАРГА ЕТКАЗАДИ

Жўра НОРАЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими

«Оқ олтин» деб ёзганда бу сўзни қўштирноқ ичига олмасликларини таклиф қиламан. Пахта — чиндан ҳам олтин. Элнинг ризқ-рўзи, фаровонлиги.

Бу гапнинг маъносини биз, айниқса, кейинги икки йил давомида — Ўзбекистонимиз истиқлолнинг шарафли йўлига чиқиб олганидан янада равшанроқ англаб етмоқдамиз. Республикамиз Президенти И. Каримов пахта етиштиришнинг нақадар масъулиятли, мураккаб иш эканлигини яхши биладилар. Шунинг учун қачон, қаерда бўлмасин, биринчи навбатда пахтакорнинг манфаатини ёқлаб гапирадилар. Тер тўкиб, меҳнат қилганга, бойлик яратганга ғамхўрлик қилишни бободеҳқон аҳли чуқур ҳис қилиб турибди.

Президентимизнинг шу йил апрель ойида Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқини, кейинги пайтларда нашр қилинган рисолаларини, одамларимиз катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Бозор муносабатларига ўтишнинг мустақил давлатимиз томонидан таъминланган тамойилларини янада ҳаракатлантирдилар. Бу ҳаракатлик истиқлолнинг келажагига бўлган ишонч меҳнат жараёнида, хусусан пахта етиштиришдаги қийинчиликларни енгишда қўл келди.

Мустақиллик деган гап бу шиорпарастлик эмас, имтиёз ҳам эмас, балки яхши ишлашга имконият, ҳар қандай боқимандалигу бировнинг меҳнати орқасидан кун кўришга ўхшаш кайфиятларни инкор қиладиган қудратли маънавий чашма эканлигини одамлар ортиқча ташвиқотларсиз идрок эта бошладилар.

Бу йил асосий майдонларда серҳосил, эртапишар, толаси пишиқ пахта навларини экишга эътибор берилганлиги, одамлар шовқинсуронсиз, ортиқча мажлисларсиз бир-бирларини тўғри тушуниб ишлаганликларини, ёнилғи танқис бўлиб қолган пайтларда йўқдан бор қилиб иш юритганликларини муваффақият натижаси деб билмоқ керак. Қумқўрғон, Денов, Шеробод, Ангор, Узун, Шўрчи туманлари, «Хазорбоғ», Н. Мирзаев номли, «Толлимарон», «Оқ қапчиғай», Ш. Рашидов номли, Н. Муродов номли, С. Бойматов номли, «1-Май», «Сурхон» хўжаликлари пахтакорларининг ишлари кўп жиҳатдан бошқаларга ибратли бўлгани диққатга сазовордир.

Бу йил ҳар қачонгидан кўп одам пахта йиғим-теримига чиқди. Пахта терганларнинг меҳнат унумдорлиги юқори бўлди. Ура-урачилик, шошма-шошарликка берилмасдан одамлар ақл билан ишлашга ўргандилар. Хўжаликларнинг пахта толасини сотишдаги манфаати ва ҳуқуқлари оширилгани катта ижобий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, биз мустақил республикамиз хирмонига 400 минг тонна пахта етказиб бердик. Бу хирмоннинг 150 минг тоннага яқини ингичка толали пахтадир. Ҳосилдорлик гектарига қарийб 32 центнерга етказилди. Асосий ҳосил юқори навларга сотилди.

Жарқўрғондаги ип-йигирув ва тикув фабрикаси бундан икки йил муқаддам вилоятдаги толани қайта ишлайдиган ягона корхона эди. Биз ҳозир толамизнинг фалон фоизини ўзимиз қайта ишлаяпмиз, деб мақтана олмаймиз. Лекин ҳозир бир қанча туманларимизда ип йигирув ва тикув цехлари, фабрикаларини қуришга киришганимиз, бу борадаги режаларни амалга ошираётганимиз, иш ўринларини кўпайтираётганимиз бизнинг эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди.

Қишлоқларда Президентимиз Фармонларини амалга ошириш, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳали фойдаланилмаётган имкониятларни ишга соламиз. Пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай териб олиб, кузги-қишки деҳқончилик юмушларини ва биринчи навбатда ғалла экишни ўз вақтида амалга оширамиз.

• 8 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Республикамизда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь илк бор умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Шу кунларда Тошкент шаҳрида, барча вилоят ва туманларда ана шу қутлуғ байрамга қизғин тараддуд кўрилмоқда.

9 ноябрь куни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида мазкур байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ижодий уюшмаларнинг вакиллари бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.


Мажлисда республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Э. Халилов қатнашди. **(ЎзА).**

* * *

Наманган вилоят партия кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигини нишонлашга алоҳида эътибор бермоқда. Бу борада ташкилий-сиёсий ишлар олиб бориш юзасидан аниқ тадбир ишлаб чиқилди. Ушбу тадбирга асосан жойларда амалий ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, шаҳар, район партия ташкилотларида Конституциянинг мазмуни ва унинг тарихий аҳамиятини тушунтириш, тарғиб қилиш ҳафталиги давом этяпти. Унда ташкилот, корхона, жамоа хўжаликларида ҳамда аҳоли яшаш жойларида ташвиқотгарғибот гуруҳларининг чиқишлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, ҳаётимиз қомуси Конституциянинг бир йиллиги муносабати билан кам таъминланган ва кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотганлар, болалар уйида тарбияланувчилар ҳамда меҳнат ва уруш фахрийлари ҳузурида бўлиб, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда.

А. МАДАТОВ,
Наманган вилояти.



Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув-тажриба хўжалиги деҳқонлари бу йил 550 гектар ерга кузги дон экиб, 32 центнердан сара дон олишни мўлжалламоқдалар.

СУРАТДА: илғор шоликор Шермат Ғафуров.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

АТОҚЛИ ФАЙЛАСУФГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида атоқли олим, давлат ва жамоат арбоби, академик Иброҳим Мўминов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлди.

Анжуманни Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов кириш сўзи билан очди. Академик И. Мўминовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фанларни ривожлантиришдаги ўрни ҳақида академик, фалсафа фанлари доктори, профессор, Музаффар Хайруллаев маъруза қилди.

Шундан сўнг ажойиб ва жасоратли инсон, мамлакатимиз фани ва маданиятини равнақ топтиришда бетакрор из қолдирган таниқли файласуф олим, кўплаб илм-фан намояндаларининг меҳрибон мураббийси ва устоди бўлган Иброҳим Мўминовни хотирлаб сўзлар айтилди. Чунончи, давлат ва жамоат арбоби, республика «Ёдгорлик» жамияти раиси Н. Муҳиддинов, академиклар Э. Юсупов, А. Асқаров, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори О. Умурзоқова Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти И. Искандаров, Адабиётшунослик институти директори Т. Мирзаев, фалсафа фанлари доктори М. Нурматов, республика хотин-қизлар қўмитаси масъул ходимаси М. Нурматовалар академик И. Мўминовни яқиндан билган, у билан бирга ишлаган, сафдош ёки замондош бўлган киши сифатида ўз қизиқарли хотиралари, фикр-мулоҳазаларини айтдилар.

Илмий анжуман якунида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган арбоблар З. Суюнова, З. Раҳматиллаева ҳамда хонанда М. Мўминова йиғилганларни ўз куй ва қўшиқлари билан хушнуд этдилар.

Н. ОЛИМХОНОВ.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига тааллуқли ҳуқуқлари.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини пенсия билан таъминлаш давлатлараро битимлар (шартномалар) асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти, давлатлараро битимлар (шартномалар)да ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари ушбу Қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Уларнинг ижтимоий таъминланиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўяди.

2-модда. Давлат пенсияларининг турлари

Ушбу Қонун билан давлат пенсияларининг қуйидаги турлари белгиланади:

ёшга доир пенсия;

ногиронлик пенсияси;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

3-модда. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин.

4-модда. Пенсияни танлаш ҳуқуқи

Давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

5-модда. Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти

Ҳарбий хизматчиларни, шунингдек ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Уларга ушбу Қонунда назарда тутилган асосларда пенсиялар олиш ҳуқуқи ҳам берилади. Бунда ҳарбий хизматчилар, шунингдек ички ишлар органлари бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар пул таъминотининг барча турлари фуқаро шахсларнинг иш ҳақи сингари бир хилда ҳисобга олинади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги ижтимоий таъминот тўғрисидаги битимлар

Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги ижтимоий таъминот тўғрисидаги битимлар (шартномалар)да ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар назарда тутилган ҳолларда, ана шу битимлар (шартномалар)да белгиланган қоидалар тегишли равишда қўлланилади.

II. БОБ. ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯЛАР

7-модда. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

8-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун (7-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

9-модда. Имтиёзли шартлардаги пенсиялар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, чунончи:

Ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати.

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига, шунингдек уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар, паканалар ва экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар эгадирлар.

10-модда. Ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Ёшидан қатъи назар, қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар—башарти, улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, I қисм);

б) бевосита ерости ва очиқ кон ишларида (шу жумладан, кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар — башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, II қисм);

в) учувчилар ва учувчисиновчилар таркибига кирувчи ходимлар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этганлари тақдирида (1-сонли рўйхат, III қисм).

Юқорида қайд этиб ўтилган ходимлар саломатлигига (касаллигига) кўра учиш ишларидан бўшатилган тақдирда, белгиланган хизмат муддатини — эркаклар камида 20 йил ва аёллар камида 15 йил адо этган бўлсалар;

г) театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари;

ижодий иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, IV қисм);

ижодий иш стажи камида 25 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, V қисм);

ижодий иш стажи камида 30 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VI қисм);

д) спортчиларнинг айрим тоифалари — иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VII қисм).

11-модда. Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) ерости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, 1 қисм);

эркаклар — иж стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — иш стажи камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Ерости ишларидаги меҳнат стажи эркакларда 10 йилдан кам ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходимларга бу ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши 1 йилга қисқартирилади.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда — эркаклар камида 5 йил, аёллар камида 3 йилу 9 ой — ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши шундай ишда банд бўлинган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади:

б) цирклар ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари ижодий ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда (2-сонли рўйхат, II қисм).

12-модда. Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати;

а) меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ногиронлик сабаблари рўйхати ва Касб касалликлари рўйхати бўйича;

б) умумий касаллик (шу жумладан, иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болаликдан ногиронлик) туфайли.

16-модда. Ногиронлик гуруҳлари

Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

17-модда. Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади:

Ёш	Иш стажи (йил ҳисобида)
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда зарур стаж бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

з) беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар — болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда (37-модданинг «д» ва «ж» бандлари) иш стажи камида 20 йил бўлса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда.

Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунча камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинадилар;

и) экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар:

эркаклар — умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;

аёллар — умумий иш стажи 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;

к) ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари — махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм);

л) шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар — махсус иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм);

м) ижтимоий таъминот тизимининг қарилар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ходимлари (3-сонли рўйхат, IX қисм);

эркаклар — махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — махсус иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда.

13-модда. Лилипутлар ва паканаларга пенсиялар

Ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган паканалар;

эркаклар — иш стажи камида 20 йил бўлганда;

аёллар — иш стажи камида 15 йил бўлганда эга бўладилар.

14-модда. Ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш

Ходимлар сони (штатлари) қисқартирилиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилиши муносабати билан бўшатилган ва ишсиз мақомига эга бўлган шахслар:

эркаклар — 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

III БОБ. НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

15-модда. Пенсияларни тайинлаш шартлари

Ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ногиронлик сабаблари рўйхати ва Касб касалликлари рўйхати бўйича;

б) умумий касаллик (шу жумладан, иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болаликдан ногиронлик) туфайли.

16-модда. Ногиронлик гуруҳлари

Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади.

Ногиронлик сабаблари ва ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб аниқланади.

18-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун (17-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

IV БОБ. БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

19-модда. Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари

Вафот этган боқувчининг қарамоғида (20-модда) бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг «в» бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўгай ота, ўгай она, хотин, эр, башарти, улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, акука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви — агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўғай ўғил ва ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўғай ота ва ўғай она, агар вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу Қонуннинг вафот этганлар оилаларига тааллуқли ҳамма қоидалари бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам, агар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, тегишли равишда жорий қилинади.

20-модда. Қарамоқда деб ҳисобланувчи оила аъзолари

Ушбу Қонуннинг 19-моддасида кўрсатиб ўтилган оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Марҳумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса — боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

21-модда. Боқувчининг пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи

Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинланиши учун зарур иш стажига эга бўлган (17-модда) бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг оилаларига, башарти, боқувчи Ўзбекистон Республикасида ишламаган бўлса, пенсиялар қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) бошқа мамлакатларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олган оилаларга — боқувчисининг иш стажидан қатъи назар;

б) пенсия олмаган оиларга — башарти, боқувчи ишлаш тўхтатилган кунга қадар тегишли стажга эга бўлган (17-модда) бўлса, меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган тақдирда эса боқувчининг иш стажидан қатъи назар.

22-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия.

Умумий касаллик оқибатида вафот этган ҳамда ногиронлик пенсиясини тўлиқ тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган (17-модда) боқувчисини йўқотган оила аъзоларига пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

23-модда. Янги никоҳдан ўтилганда пенсияни сақлаб қолиш

Эр (хотин)нинг вафот этганлиги сабабли тайинланган пенсия пенсионер янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолади.

24-модда. Боқувчининг оила аъзоларига пенсиядан улуш ажратиб бериш

Оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади.

Оила аъзосининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади.

Пенсиядан улуш ажратиб бериш пенсияни бўлиш тўғрисида ариза тушган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

V БОБ. ПЕНСИЯЛАРНИ ВА ИШ ҲАҚИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

25-модда. Пенсия миқдори

Пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб қуйидагилардан ташкил топади:

пенсиянинг таянч миқдоридан;

иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан;

пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан.

26-модда. Пенсияларнинг таянч миқдорлари

Ушбу Қонун билан пенсияларнинг қуйидаги таянч миқдорлари белгиланади:

а) ёшга доир тўлиқ пенсия учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида;

в) III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида;

г) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида.

Отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳисса миқдори доирасида амалга оширилади.

26-модда ва ушбу моддага мувофиқ ҳисоблаб чиқилган:

ёшга доир пенсияларнинг ва I гуруҳ ногиронларига белгиланадиган ногиронлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 75 фоизидан;

III гуруҳ ногиронларига белгиланадиган ногиронлик пенсияларининг ва ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзосига бериладиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 40 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

28-модда. Пенсияларга устама ҳақлар

Ушбу Қонуннинг 26, 27 ва 29-моддаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;

в) III гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

д) I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фози;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

з) Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг — 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — хизматларига қараб — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизигача.

29-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияни ҳисоблаб чиқариш

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар (8, 18 ва 22-моддалар) бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар:

ёшга доир пенсиялар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан;

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан;

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 40 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

28-модда. Пенсияларга устама ҳақлар

Ушбу Қонуннинг 26, 27 ва 29-моддаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;

в) III гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

д) I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фози;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

з) Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг — 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — хизматларига қараб — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизигача.

29-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияни ҳисоблаб чиқариш

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар (8, 18 ва 22-моддалар) бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар:

ёшга доир пенсиялар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан;

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан;

ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

30-модда. Устама ҳақларни ҳисоблаб чиқариш шартлари

Устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъи назар қўшиб ҳисобланади.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишига 28-модданинг «а», «б» ёки «в» бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг «к» бандида кўрсатилган устама ҳақ қўшиб ҳисобланиши мумкин.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича 28-модданинг «г», «д» ёки «е» бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг «ж» ёки «з» бандларида кўрсатилган устама ҳақлардан бири, шунингдек «к» бандида кўрсатилган устама ҳақ қўшиб ҳисобланиши мумкин.

31-модда. Ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, бутун меҳнат фаолияти давомидаги истеъмол талган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига қараб, ишга кириш ёки ишдан бўшаш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ишланган тўлиқ календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календарь ойларидаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи исталган кетма-кет беш мавсумдаги иш ҳақини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман бўлмаган ҳолларда иш стажи учун пенсия энг кам ойлик иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқарилади.

32-модда. Пенсияларни ҳисоблаб чиқаришда эътиборга олинадиган иш ҳақи турлари

Пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига амалдаги қоидаларга кўра суғурта бадаллари олинадиган меҳнат ҳақининг барча турлари қўшилади, амалдаги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мустасно.

Давлат томонидан ижтимоий суғурталанмайдиган шахсларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига суғурта бадаллари олинадиган меҳнат ҳақининг барча турлари қўшилади, амалдаги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мустасно.

Иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг (фермерлар, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчилар ва ҳоказо) пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасига тўланган суғурта бадаллари миқдорига қараб аниқланади.

Иш ҳақининг натурал қисми ижтимоий суғуртага ўтказилган бадаллар миқдорига қараб баҳоланади.

33-модда. Иш ҳақига минтақавий коэффициентлар белгиланган ҳудудларда яшовчи шахсларнинг иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш

Ишловчиларнинг иш ҳақига минтақавий коэффициент белгиланган ҳудудларда яшовчи шахслар ва оилаларга пенсия тайинлашда минтақавий коэффициент эътиборга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амалдаги иш ҳақи ҳисобга олинади.

34-модда. Пенсионерларнинг оилаларига пенсияларни ҳисоблаб чиқариш

Пенсионерларнинг оилаларига боқувчисини йўқотганлик пенсиялари пенсионернинг (боқувчининг) ўз пенсияси қайси иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилган бўлса, ўша иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

35-модда. Бошқа давлатлардан кўчиб келган фуқароларга пенсиялар ҳисоблаб чиқариш

Бошқа давлатлардан кўчиб келган, Ўзбекистон Республикасида ишламаган фуқароларга пенсиялар Ўзбекистондаги тегишли касб ҳамда малакадаги ходимларнинг пенсия тайинланаётган вақтдаги ўртача ойлик иш ҳақига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Башарти, бундай касб ҳамда малакалар республикада бўлмаса, ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради.

36-модда. Чет элда ишланган давр учун иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш

Чет элда ишлашга юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақи ҳисобга олинади.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошн иккинчн бетда).

VI БОБ. ИШ СТАЖИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ

37-модда. Иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари

Қуйидагилар иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) фаолият турн, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбий-лаштиридган соқчиликдаги махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият — Ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактабларн ва курсларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) онанинг (ўгай онанинг) болаларини (ўгай ўғилларини, ўгай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

к) чўпонларнинг хотин-имконияти бўлмаган яйловларда ишга жойлашиш-ларда эри билан бирга яшаган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

«е» — «к» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а» — «г» бандларида кўрсатиб ўтилган умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига «е» — «к» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а» — «г» бандларида кўрсатиб ўтилган муддатдан қатъи назар қўшилади.

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлинган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди.

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш ҳам ота, ҳам онанинг умумий иш стажига қараб, ушбу Қонуннинг 27-моддаси «г» бандида кўрсатиб ўтилган миқдорларда амалга оширилади.

38-модда. Иш стажига ихтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланадиган фаолият даврлари

Стажга қуйидагилар имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади:

а) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидаги иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш — уч ҳисса баробарида;

б) Улуғ Ватан уруши йилларида (1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майга қадар) мамлакат ичкарисида ишлаш, шу жумладан ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидаги иш ва ушбу модданинг «а» бандида назарда тутилган хизматдан ташқари ҳарбий хизмат — икки ҳисса баробарида;

в) ушбу Қонун 10-моддасининг «а» ва «б» бандларига ҳамда 11-моддасининг «а» бандига мувофиқ имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган — эркакларда 10 йилдан ортиқ ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан ортиқ ишланган ҳар бир тўлиқ йил — икки ҳисса баробарида;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш — икки ҳисса баробарида;

д) патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айрим тоифаларининг иши — бир ярим ҳисса баробарида;

е) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатағон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти — бир ярим ҳисса баробарида.

39-модда. Айрим тоифадаги фуқаролар стажини ҳисоблаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Саноатнинг мавсумий тармоқларига оид корхоналар ва ташкилотларда банд бўлган ходимларнинг тўлиқ мавсум мобайнидаги иши бир йил ишлаган деб, тўлиқ мавсум давомида ишламаган бўлса, ҳақиқий ишлаган даври ҳисобга олинади.

Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ерости ишлари стажини ҳисоблаб чиқишда (10-модданинг «а» — «б» бандлари ва 11-модданинг «а» банди) ана шу ишда орттирилган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида ногиронликда бўлган вақти ушбу Қонун 38-моддасининг «в» бандида белгиланган қоидалар қўлланмасдан кўрсатиб ўтилган стажга қўшилади.

40-модда. Чет элда ишлаш вақтини стажга қўшиш шартлари

Чет элда ишланган даврлар Ижтимоий суғурта жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим) асосда чет элда ишланганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар меҳнат дафтарчасига киритган қайдномаларга қараб аниқланади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишланганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, стажга қўшилади.

41-модда. Имтиёзли шартларда пенсия тайинлашда иш стажини ўзаро ҳисобга олиш хусусиятлари

Имтиёзли шартларда пенсия тайинлашда, башарти, ҳисобга ўтадиган ишлар айни шундай ёки анча имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берган тақдирда, 1, 2 ва 3-сонли рўйхатларда назарда тутилган иш даврлари ўзаро ҳисобга олинади.

42-модда. Иш стажини тасдиқлаш тартиби

Меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

VII БОБ. ПЕНСИЯЛАР ТАЙИНЛАШ

43-модда. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш тартиби

Ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисини йўқотган тақдирда) пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охирги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти орқали берилади.

Жамоа хўжаликлари ва бошқа кооперативларнинг аъзоларига ва уларнинг оилаларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза жамоа хўжалиги (кооператив) бошқаруви орқали берилади.

Маъмурият (бошқарув) ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга аризачи истиқомат қиладиган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига юборади. Башарти, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган ходимга пенсия тайинлашга тавсия этиш рад қилинса, унга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма хабар қилинади.

Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган шахс маъмуриятнинг (бошқарувнинг) пенсия тайинлашга тавсия этишни рад этган қарорига розн бўлмаган ҳолларда, у пенсия тайинланишини сўраб бевосита туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига ариза бериши мумкин.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари аъзоларига, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга, бошқа фуқароларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризалар бевосита аризачиларнинг истиқомат жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

Ижтимоий таъминот бўлимлари пенсиялар тайинлаш масалаларн юзасидан тушунтириш ва маълумотлар беришлари, шунингдек аризачига зарур ҳужжатларни олишида кўмаклашишлари шарт.

Ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахслардан тегишли ҳужжатларни талаб қилиш, зарур ҳолларда эса, уларнинг берилиши асослилигини текшириш ҳуқуқига эгадирлар.

Корхоналар ва ташкилотлар пенсия учун (пенсия қайта ҳисобланиши учун) ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки ишончсиз маълумотлари бўлган ҳужжатларни тақдим этиш оқибатида пенсионерга етказилган зарар учун унинг олдида қонун ҳужжатларида белгиланганидек жавобгар бўладилар.

Корхона ёки пенсионер томонидан маълумотлари ишончсиз ҳужжатлар тақдим этилиши оқибатида давлатга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар Ижтимоий суғурта жамғармасига тўланади. Бунда корхона томонидан етказилган зарар ижтимоий таъминот бўлимидан тегишли хабарнома олинган кундан бошлаб бир ой ичида, пенсионер томонидан етказилган зарар эса, ушбу Қонуннинг 65-моддасида назарда тутилган тартибда қопланади.

44-модда. Пенсия тайинловчи органлар

Пенсияларни туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари тайинлайди.

45-модда. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларни қараб чиқиш муддатлари

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан қараб чиқилади.

Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда ижтимоий таъминот бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин беш кун ичида корхона, ташкилот ёки аризачига пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақида рад этиш сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган хабарномани беради ёки жўнатади ҳамда айни чоғда барча ҳужжатларни қайтаради.

46-модда. Пенсия учун мурожаат этилган кун

Тақдимнома ёки ариза барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган кун пенсия учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади.

Тақдимномага ёки аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда ижтимоий таъминот бўлими корхона, ташкилот маъмуриятига ёки аризачига кўшимча равишда қайси ҳужжатлар тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар қилади. Башарти, улар қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши зарурлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан уч ой ичида тақдим этилса, унда пенсия тайинланиши тўғрисидаги тақдимнома ёки ариза қабул қилинган кун пенсия тайинланиши учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади.

47-модда. Пенсиялар тайинлаш муддатлари

Пенсиялар:

а) ёшга доир пенсия — агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия умрбод тайинланади;

б) ногиронлик пенсияси — агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб уч ой ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, ТМЭК ногиронликни белгилаган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади. 60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга — ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади. Ана шу ногиронларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг аризасига биноан амалга оширилади;

в) боқувчисини йўқотганлик пенсияси — пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат этишдан олдинги 6 ойдан ошмаган муддатдан эътиборан тайинланади. Пенсия ушбу Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ марҳумнинг оила аъзоси меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланган бутун давр учун, оиланинг; эркаклар — 60 ёшга, аёллар — 55 ёшга тўлган аъзолари учун эса — умрбод тайинланади.

Бошқа барча ҳолларда пенсия мурожаат этилган кундан эътиборан тайинланади.

Бир пенсиядан бошқасига ўтказиш пенсионер тегишли ариза ва барча зарур ҳужжатлар билан мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга оширилади.

48-модда. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят туман (шаҳар) судига берилиши мумкин.

VIII БОБ. ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ

49-модда. Пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари

Пенсияларни қайта ҳисоблаш:

пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи пенсия тайинланишигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақлим этган тақдирда;

ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;

минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;

даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин.

50-модда. Минтақавий коэффициент ўзгарганда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби

Минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарганда, шунингдек пенсионер доимий яшаш учун коэффициентлар белгиланмаган ёки бошқача миқдорда белгиланган ҳудудга кўчиб ўтганида пенсия энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, янги минтақавий коэффициентни инобатга олган ҳолда қайта ҳисобланади.

51-модда. Тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш муддатлари

Пенсияни ошириш ҳуқуқи пайдо бўлганида тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш пенсионер пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Пенсия миқдорини камайтиришга сабаб бўладиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда қайта ҳисоблаш ана шу ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

IX БОБ. ПЕНСИЯЛАР ТЎЛАШ

52-модда. Пенсиялар тўлаш тартиби

Пенсияларни пенсионер истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот органлари тўлайди.

53-модда. Ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлаш

Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар иш ҳақи ёки бошқа даромадидан қатъи назар тўлиқ миқдорда тўланади.

54-модда. Меҳнат қобилияти тикланганда пенсияларни тўлаш муддати

Қайта кўрикдан ўтказилган шахс меҳнатга қобилиятли деб тан олинган тақдирда пенсия уни меҳнатга қобилиятли деб топилган ойнинг охиригача, лекин ногиронлик белгилаб қўйилган кунгача бўлган муддатга тўланади.

55-модда. Ногиронлик даврида танаффуслар бўлганда пенсия тўлашни қайта давом эттириш шартлари

Агар ногирон узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда қайта кўрикдан ўтиш учун ТМЭКга бормаган бўлса, унга пенсия тўлаш тўхтатиб қўйилади, уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда тўхтатиб қўйилган кундан, лекин кўпи билан ўтган бир ойдан бошлаб пенсия тўлаш давом эттирилади.

Узрли сабабга кўра қайта кўрикдан ўтиш муддати ўтказиб юборилганда, агар ТМЭК уни ана шу даврда ногирон бўлган деб топса, пенсия тўлаш тўлов тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб то қайта кўрикдан ўтиш кунигача, лекин кўпи билан ўтган уч йил учун давом эттирилади. Бунда ногирон қайта кўрикдан ўтказиш чорида ногиронликнинг бошқа гуруҳига (юқори ёки паст гуруҳга) ўтказилган бўлса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

Умумий касаллик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган ногиронга меҳнат қобилияти тикланганлиги сабабли пенсия тўлаш тўхтатилган ёки узрсиз сабабларга кўра қайта кўрикдан ўтишга келмаганлиги оқибатида тўхтатиб қўйилган бўлса, уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда, агар пенсияни тўлаш тўхтатилганидан кейин беш йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, илгари тайинланган пенсияни тўлаш ногиронлик белгиланган кундан бошлаб давом эттирилади. Агар беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, пенсия яна умумий асосларда тайинланади.

56-модда. Тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўлаш

Чин етим болаларга тўлиқ давлат таъминотида турган даврида энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида пенсия тўланади.

Ота-онасининг биридан ажралган ва тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пенсия тўланади.

Шу даврдаги тўланиши лозим бўлган пенсия пули боланинг номига жамғарма банкида очилган омонатга ўтказиб қўйилади.

57-модда. Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари тўлаш муддати

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўлашни тўхтатишга сабаб бўлувчи ҳолатлар пайдо бўлганида пенсияни тўлаш ана шундай ҳолат пайдо бўлгандан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади.

58-модда. Пенсиялар тўланишига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар ўзгарганлиги хусусида пенсионерларнинг ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилишларига донр мажбуриятлари

Меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари учун боқувчисини йўқотганлик пенсияси олаётган пенсионер оиланинг пенсия тўланаётган аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида, улар ўқишни тўхтатганлиги, шунингдек тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганлиги тўғрисидаги ўзгаришлар ҳақида ижтимоий таъминот бўлимларига хабар қилиши шарт.

59-модда. Ўтган давр учун пенсия тўлаш

Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги уч йилдан ошмаган давр учун тўланади.

Пенсияни тайинловчи ёки тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

60-модда. Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида яшовчи шахсларга пенсиялар тўлаш

Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия билан улар таъминоти учун сарф-ҳаражат ўртасидаги фарқ, лекин тайинланган пенсиянинг камида 10 фонзи, уруш ногиронларига эса камида 20 фоизи тўланади. Руҳий беморлар интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди.

61-модда. Стационар даволанишда бўлинган даврда пенсия тўлаш

Пенсионернинг стационар даволанишда бўлган даври учун пенсия тўлиқ тўланади.

62-модда. Озодликдан маҳрум қилинган давр учун пенсия тўлашни тўхтатиб қўйиш

Пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилади.

63-модда. Пенсионернинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсияни тўлаш ва дафн этиш учун нафақа тўлаш

Пенсионер олиши лозим бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули мерос таркибига киритилмасдан боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиган шахслар (19, 20-модалар) доирасига кирувчи оила аъзоларига тўланади. Ота-онаси, эри (хотини), шунингдек пенсионер билан у вафот этган кунигача бирга-ликда яшаб турган оила аъзолари бу пулни, улар боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиганлар доирасига кирмаганлари тақдирида ҳам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Пенсионер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига ойнинг у вафот топгунига қадар ўтган кунлари учун тўланади.

Оиланинг бир неча аъзоси мурожаат этган тақдирда пенсиянинг уларга тегишли суммаси уларнинг ўртасида тенг тақсимланади.

Пенсионер вафот этган тақдирда унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда дафн этиш нафақаси тўланади.

Кўрсатиб ўтилган пуллар, уларни олиш учун пенсионер вафот этганидан кейин 6 ой ичида мурожаат этилган тақдирда тўланади.

64-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган фуқароларга пенсиялар тўлаш

Чет элга доимий яшаш учун чиқиб кетишдан олдинроқ тайинланган пенсиялар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига чиқиб кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги ҳолатга кўра пенсия миқдори ҳисобидан чет элга чиқиб кетиш олдидан 6 ой аввал тўланади.

Бу фуқароларнинг чет элда бўлган вақти учун, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган пенсияларгина тўланади.

65-модда. Пенсиялардан чегирмалар

Пенсиялардан чегирмалар:

а) суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан Ижтимоий суғурта жамғармасига ҳаражатларни қопловчи пул ўтказадилар.

Пенсионер ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ёшга тўлгунига қадар ушбу Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш Ижтимоий суғурта жамғармасига ажратиладиган Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

67-модда. Пенсияларни солиқлардан озод қилиш

Ушбу Қонунга мувофиқ тўланадиган пенсияларга солиқ солинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1994 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1994 йил 1 июлга қадар тайинланган пенсиялар мазкур Қонунда кўрсатилган шартлар ва нормалар бўйича қайта ҳисоблаб чиқилиши лозим. Бунда меҳнатга қобилиятсиз онла аъзолари учун устама ҳақларни эътиборга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилган пенсиялар ана шу устама ҳақларсиз қайта ҳисоблаб чиқилади.

Барча ҳолларда ҳам пенсиялар (меҳнатга қобилиятсиз онла аъзоларига белгиланадиган устама ҳақларсиз) аввал амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорларда тўланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағлардан ходим «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига етгунига қадар мазкур Қонун 12-моддасининг «б» — «е» бандларига мувофиқ пенсиялар тўловига кетадиган харажатларни қоплайдиган ҳақни 1994 йилда тайинланадиган пенсиялар бўйича 80 фоиз миқдорида, 1995 йилда тайинланадиган пенсиялар бўйича 90 фоиз ҳамда 1996 йил ва ундан кейинги йилларда тайинланадиган пенсиялар бўйича 100 фоиз миқдорида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасига тўлайдилар.

4. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун амалга жорий этилгунга қадар амалда бўлган:

пенсиялар тайинлашда ва пенсияларни қайта ҳисоблашда иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш учун тузатиш коэффициентларини қўллаш;

аввал амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарарли ва меҳнат шароити оғир ишларда мазкур Қонун амалга киритилгунгача ишлаган шахсларнинг ёшига қараб имтиёзли пенсия билан таъминланиш тартибни сақлаб қолинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Чернобиль фалокати оқибатида жабр кўрган фуқароларнинг пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6. Белгилаб қўйилсинки, пенсия тайинланганидан кейин 1994 йил 1 июлгача ишланган вақт мазкур Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ пенсиялар миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш чоғида ҳисобга олинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 1 мартга қадар:

ўз ваколат доирасига берилган масалалар юзасидан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг рўёбга чиқарилишини таъминловчи зарур норматив ҳужжатларни қабул қилсин;

Ўзбекистон Касаба уюшмаларн Федерацияси Кенгаши иштирокида имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, цехлар, касблар, кўрсаткичлар рўйхатларини ишлаб чиқсин ва бу рўйхатларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни амалга оширсин;

мазкур Қонундан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни амалдаги қонун ҳужжатларига киритиш тўғрисидаги таклифларни, шунингдек корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар, фуқаролар ва якка тартибдаги меҳнатда банд бўлган шахслар, шу жумладан деҳқон (фермер) хўжаликлари аъзолари давлат ижтимоий суғуртасига тўлайдиган бадалларнинг тарифларига доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин;

меҳнатга лаёқатсиз, иш стажига эга бўлмаган фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини, шунингдек болалн, кам таъминланган онлаларни ижтимоий таъминлаш тартибини белгиласин. Бу тартиб Қонун билан бир вақтда, яъни 1994 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳужжатларини «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин. Республика вазирликлари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид келувчи норматив ҳужжатлари ва йўриқномаларини қараб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин;

пенсияга устама ҳақ олиш ҳуқуқини берадиган Ўзбекистон Республикаси олдидаги алоҳида хизматларни таърифловчи низомни ишлаб чиқсин.

8. Корхоналар ва ташкилотларга иш ҳақи тўлаш учун мўлжалланган ўз маблағларн ҳисобидан:

меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга, башарти, улар мазкур Қонунга мувофиқ меҳнат шароитларига кўра имтиёзли пенсиялар олиш ҳуқуқига эга бўлмасалар, муддатидан олдин пенсиялар тайинлаш ва тўлаш;

ушбу меҳнат жамоаси олдида хизматлари бўлган ходимларга пенсияга чиқиш чоғида бир марталик нафақа тўлаш;

ходимнинг меҳнатдаги ҳиссасини, иш стажи давомлилигини моддий таъминланганлиги ва сиҳат-саломатлигини ҳисобга олган ҳолда пенсияларга ҳар ойлик қўшимча ҳақ белгилаш ва тўлаш ҳуқуқи берилсин.

9. Ижтимоий таъминот вазирлиги республика вазирликлари ва идораларига, давлат бошқарувининг маҳаллий органларига, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларга мазкур Қонунини қўллаш тартибини тушунтириш ишларини амалга оширсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

янгиликлар воқеалар хабарлар

„Биз ким мулки турон...“

ХАЙР, ЭНДИ

● **АЛМАТИ. Ўзининг мустақил пулини муомалага киритиш зарурати муносабати билан Нурсултон Назарбоев пул тизимини барқарорлаштириш тезкор чоралари тўғрисида фармонни имзолади.**

Фармон эълон қилинган куннинг эртасидан бошлаб банклар алоҳида буйруқ бўлгунга қадар сарфлаш ҳуқуқисиз, аҳолидан ортиқча пулларни фақат махсус ҳисобларга ўтказиш учун қабул қилишга киришди. 1 октябрга қадар қўйилган ва ҳозиргача фойдаланилмаган эски пуллар ҳам махсус ҳисобларга фойдаланилмаслик ҳуқуқи билан ўтказилади. махсус тузилаётган комиссия Россия пулларининг пайдо бўлиши манбаларини текшириш билан шуғулланади.

Газетанинг хабар беришича ўтган ҳафтанинг шанба кунидан бошлаб янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга ҳисобларни очиш алоҳида фармон бўлгунга қадар тўхтатилган. Эндиликда бошқа давлатларнинг фуқаролари Қозоғистонга юз минг сўмдан ортиқ пул олиб кираолмайдилар. Ортиқча пуллар мусодара этилади.

Норасмий маълумотларга қараганда, ана шу кунларда тоғларда жойлашган ҳукумат қарорғоҳларидан бирида қозоғистонлик молиячи мутахассислардан бир гуруҳи маҳаллий пулни муомалага киритиш йўлларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқда. Булар янги тангаларми ёки қандайдир оралиқ пуллари бўладими, ҳозирча номаълум.

СОФ ОЛТИНДАН ИШЛАНГАН

● **АШГАБАТ. Туркия тижоратчиси Сапармурод Туркманбошига муносиб совға ҳадя этди.**

Туркманистонда биринчилардан бўлиб фаолият бошлаган бу тижоратчи республика Президенти Сапармурод Ниёзовнинг сиймосини соф олтиндан ясаттириб, унга топширди. Совға яхши ният билан ишланган. Бу ҳақдаги хабарни Би-Би-Си радиоси «Файнэншл таймс» газетаси маълумотига асосланиб тарқатди.

ЦЕНЗУРА БЕКОР ЭТИЛДИ

● **БИШКЕК. Қирғизистонда цензура атиги бир ой яшади.**

Президентнинг вазифасини вақтинча бажарувчи (Президент меҳнат таътилида) республика вице-президенти Феликс Кулов давлат сирларини муҳофаза этиш бўйича бошқарма номи билан шу йилнинг август ойида жорий этилган цензурани бекор этиш тўғрисидаги фармонни имзолади. Бу ҳақдаги хабарни маҳаллий газеталардан ташқари Москва шаҳрининг «Останкино» телепрограммаси ҳам «Новости» кўрсатувида шарҳлаб берди.

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТИЖОРАТЧИЛАР АНЖУМАНИ

● **ЛЕНИНОБОД ВИЛОЯТИ. Бу ерда Тожикистон ишбилармонлари ва тижоратчиларининг биринчи анжумани бўлиб ўтди.**

Унда Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Имомали Раҳмонов қатнашди, ва республика хусусий фирмаларининг вакиллари билан ҳам учрашди. Анжуманда республика Вазирлар Кенгашининг раиси Абдумалик Абдуллажонов, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

ҚОЗОҒИСТОН ПОЙТАХТИ КЎЧИРИЛАДИМИ?

● **АЛМАТИ. Кейинги йилларда республика пойтахтини бошқа жойга кўчириш ҳақидаги баҳслар бир неча марта кўтарилди.**

Бу сафарги баҳсларга Президентнинг ўзи ҳам қўшилди. У Оқмола шаҳрига Қозоғистоннинг бош шаҳри мақомини бериш варианти тўғрисида шаъма қилди. Даъвогар Оқмола йўлида Кўкчетов пайдо бўлиши билан жамоатчилик «ким қўллайди, ким қарши» қабилида ҳаяжонланиб муҳокама қилишга киришди. Ана шу пайтда кўпчилик қозоғистонликлар сезмаган ҳолда Алмати шаҳарсозлиги тараққиёти дастурининг асосий ҳолатлари лойиҳаси пайдо бўлиб қолди. Бу лойиҳа яна 35 йилдан кейин Заилий Олатов атрофида ҳозиргина нисбатан икки марта кўп —яъни қарийб икки миллион алматиликлар яшайди, деган истиқболга асосланган.

«ЗОРМАНД» УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

● **АШГАБАТ. Америкадаги «Зорманд» хусусий фирмаси Туркманистоннинг давлат ва тижорат корхоналари билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишни мўлжалламоқда.**

Ашгабат шаҳрида бўлган фирманинг директори Керолайн Лаборд хоним ана шу ҳақда гапирди. Туркман томонидан катта маблағлар сарф этилиши тақозо этиладиган бўлғуси лойиҳа билан танишиш америкалик тижоратчиларда аниқ тасаввур туғдирди. Фирма Туркманистон халқ хўжалигининг бир қатор соҳаларига валюта сарфлашга, шунингдек, Ўрта Ер денгизигача нефть қувурлари бунёд этилиши ва Европа, Узоқ Шарқ ва Японияга тортиладиган газ қувурлари қурилиши лойиҳаларини амалга оширишда америкалик мижозларга ҳам ёрдам беришга тайёр эканлигини изҳор этди.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ

● **ХЎЖАНД. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида Ленинобод вилоятининг йўлларида 755 марта йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди.**

Натижада 2130 киши нобуд бўлди ва 784 киши жароҳатланди. Йил бошидан буён вилоятда 130 марта ёнғин чиқди. Бундан 14 киши ҳалок бўлди.

«ҚИРҒИЗҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ» КОМПАНИЯСИ

● **БИШКЕК. Республика халқ хўжалигининг бутун бир соҳаси — собиқ Қурилиш материаллари вазирлиги — ҳозирда «Қирғизқурилиш материаллари» деб аталаётган концерн Акционерлик компанияси мақомини олияпти.**

Барча тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилган. Энди сўзни қайта қуриш жараёни тугашини диққат билан кузатаётган давлат мулкчилик фойди ва ҳукумат айтиши лозим.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

„УНУТМАҒИЛ БУ БИР САФАР

● *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

БОБУР АВЛОДЛАРИНИ ИЗЛАБ...

Тақдир тақозоси билан ер юзига тариқдай сочилиб кетган бобурийларнинг авлодлари борми? Бу улуғ сулоланинг бевосита ворислари мавжудми? Мавжуд бўлса, бугунги бобурийлар кимлар, қандай инсонлар? Уларнинг насли, насаби, табиати, маишату фаолияти нималардан иборат?..

Бобур ва бобурийлар тарихи, тақдири билан шуғулланган ҳар бир киши мана шу каби ҳаяжонли саволларга қайта-қайта дуч келиши табиийдир. Юртимиз бобуршунослари бу борада кўпгина изланишлар олиб борганликлари яхши маълум. Марҳум Ҳамид Сулаймон домланинг илк илмий экспедицияларидан бошланган бу қидирувлар кейинги йилларда ҳам изчиллик билан давом эттириб келинмоқда. Орадан беш юз йилдан зиёдроқ вақт ўтиб кетганига қарамай, бобурийларнинг тарихий изларини ахтариб топиш, ўрганиш асло тўхтагани йўқ. Шу боис ҳам гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан бобурийларнинг бугунги авлодлари хусусида узуқ-юлуқ, миш-мишга ўхшаш тахминий гаплар тарқалиб қоларди-ю, афсуски, аниқ илмий-далилий исботи бўлмаганлиги учун бу овозалар ими-жимида ғойиб бўларди.

Маълумки, Андижонда ташкил этилган Бобур номидаги Халқаро хайрия жамоат жамғармаси икки йилдан буён бу соҳада фаол ҳаракат қилмоқда. Шу кунга қадар жамғарма Бобур ва бобурийлар изидан уч марта халқаро илмий сафар уюштириб, автомобилда қарийб 60 минг километр масофани босиб ўтди. Буюк аждодларимизнинг пойқадамлари теккан Ўзбекистон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ҳудудларини бир неча бор кезиб, муҳим илмий-маърифий маълумотлар тўпланди. Насиб қўшилган экан, экспедициянинг ўтган йилги сафарида мен ҳам андижонлик бобуршунослар билан бирга бўлдим. Яқин Шарқ минтақасининг эртаксимон мамлакатлари бўйлаб темурий ва бобурий боболаримиз юрган қадим йўллардан қайта юриб ўтдик. Йўлларда кўп ғаройиб саргузаштларга дуч келдик, турли-туман сирли ҳодисотларни бошимиздан кечирдик, минг бир қиёфатли ва тақдирли инсонлар билан танишдик, аммо ҳар сафар хаёлимизнинг тўрида бобурийларнинг бугунги ворисларини излаб топиш муддаоси турди. Шундоғ донгдор сулоланинг, қисматнинг беҳисоб жабру жафоларини кўрган ва уларга мардона бардош берган бу машҳур шажара вакилларининг қумга сингган сув томчилари каби номнишонсиз йўқолиб кетган бўлишларига асло ақл бовар қилмас эди. Барибир, инсон зотининг қайдадир бир белгиси, нишонаси қолмасдан иложи йўқ.

Биз бобурийлар авлодини Табриз ва Машҳаддан, Теҳрон ва Дамашқдан, Лоҳур ва Пешавордан, Кобул ва Мозори Шарифдан — яна кўплаб манзил-мароқиллардан ахтардик. Йўл-йўлакай бу улуғ аждод тарихига тааллуқли янгидан-янги маълумотлар билан ошно бўлдик. Бу маълумотлар, мозий гарди қўнган бу кўҳна ривоятлар дилимиздаги ишонч туйғусини юксалтирса юксалтирдики, асло кам қилгани йўқ. Шавкатли Бобуршоҳнинг олис авлодлари ҳали бизнинг қадамимиз етмаган, назаримиз тушмаган номаълум ва нотаниш маконларда умргузаронлик қилаётганига имонимиз тобора комил бўлиб борарди.

Уларни топмоқ, дийдор кўришмоқ учун эса фалак соатининг белгилаб қўйилган муддатини кутиш лозим эди, холос.

Ва ниҳоят...

ХУШХАБАР

Сентябрнинг ўрталари эди, бир куни эрталаб ишхонамизга Ўзбекистоннинг Деҳлидаги консуллик идорасининг бошлиғи Аҳмаджон ака Луқмонов кириб келди. «Ҳиндистонда қизиқ гап чиқиб қолди, — деди у киши ҳаяжонланиб. — Ҳайдаробод шаҳрида бобурийларнинг авлодлари истиқомат қилар экан». «Йўғ-э, ростданми?». «Ростдан. Бир неча бор консулхонага қўнғироқ қилишди, мактублар ёзишди. Мана хос қоғозлари, муҳр-нишонлари». Биргалашиб, тепасига ислимий нақшлар ва Тожмаҳал тасвири туширилган расмий қоғозларни кўздан кечирдик. «Уларнинг расман эътироф этилган жамияти бор экан, «Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» деб аталаркан, — дея давом этди Аҳмаджон ака. — Куни кеча жамият бош котиби жаноб Зиёвиддин Тусийдан яна бир хат келди. У киши республикамиз Президенти номига бир мактуб йўллаган экан, шу номани етказишни биздан сўрабдилар».

Мактубнинг конвертига разм солдик. Юборгувчининг манзил унвонига «Зиёвиддин Тусий» — «Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» жамиятининг бош котиби, марҳум Баҳодиршоҳ Зафарнинг эвараси» деган сўзлар битилган эди. Демак бу хонадон Ҳиндистондаги сўнгги бобурий ҳукмдор — Баҳодиршоҳ II, тарихда «Зафар» тахаллуси билан ном қозонган шахснинг авлодига мансуб бўлиб чиқади.

Бу чиндан ҳам ҳаяжонли бир воқеа эди, хатни бетўхтов Президентнинг Матбуот котибига олиб кирдик.

Шу куниёқ узоқ Ҳиндистондан келган бу мактуб Президентга етказилди.

МАКТУБ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Сизга бу мактубни ёзаётганимдан бениҳоя бахтиёрман. Айни лаҳзаларда бутун вужудим фавқулодда шодлик ва қувонч туйғулари билан лиммо-лим.

Ўзбекистоннинг буюк халқи менинг улуғ бобокалоним, жаҳонгир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётгани мен учун чиндан ҳам оламшумул воқеадир. Бу ҳақдаги мўъжазгина хабардан маҳаллий газеталаримиз орқали воқиф бўлгач, қалбимни чулғаган севинч ҳиссиётини сўз билан ифода этмоққа ожизман.

Сиз жаноби олийларининг бобокалоним Бобур ҳазратларини Ўзбекистоннинг Буюк қаҳрамони сифатида юксак меҳр ва эҳтиром билан таърифлаганингизни матбуот хабарларидан ўқиб, бошим кўкларга етди.

Айни пайтда ўз тарафимдан мен кўнглимдаги бу мислсиз шодумонликни Ўзбекистондаги барча оға-иниларим, опа-сингилларим билан баҳам кўрмоқликни истайман ҳамда уларнинг ҳамиша бахтли-саодатли бўлишларини ва янада камол топишларини дуо қилиб қоламан. Умид қиламанки, бобокалонимиз Бобур ҳазратларининг таваллуд тўйлари олиймақом даражада ва беҳад гўзал нишонланажак.

Чексиз эҳтиром ва самимий тилаклар билан:

Зиёвиддин ТУСИЙ,

«Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» жамиятининг Бош котиби, марҳум Баҳодиршоҳ Зафарнинг эвараси.

Ҳайдаробод шаҳри,
Ҳиндистон Республикаси.

ЖАВОБ

Бобурийлар хонадонининг тарихий тадрижидан, юз йиллар мобайнида аждодлар чироғини ўчирмай ёқиб келаётган ажойиб инсонлар қисматидан дарак берувчи бу мактуб Президентимизда жуда катта қизиқиш уйғотди. Ҳаётини миллий мустақиллик ғоясига тиккан сиёсий арбоб учун, миллий ғурур ва ноёб инсоний қадриятларни тиклаш ижтимоий фаолиятининг мазмуни бўлган давлат раҳбари учун бу, албатта, табиий бир ҳолдир. Қолаверса, юртимиз етакчисининг аждодининг аксарият қисмини эгаллаган ва «Буюк мўғуллар империяси» номи билан донг таратган улкан салтанатни уч юзу ўттиз йилдан зиёд вақт давомида идора қилиб келганлар. Уч аср мобайнида бу салтанат шон-шуҳратни ҳам, тараққиёт ва таназзулни ҳам бошидан ўтказиб улгурди.

«Саодатманд шоҳ» — Бобур Мирзога Ҳинд тупроғида беш йилгина ҳукмдорлик нашъасини суриш насиб этди, холос. Жангу жадаллар, мислсиз уқубатлар, чексиз инсоний изтироблар, Ватан соғинчи билан йўғрилган бу йиллар янги туркий ҳиндий давлатнинг шаклланиш даври ҳамда хассос шоир Бобур шеърий ижодининг гуллаган бир фасли бўлди.

Гарчанд Бобур тарих ҳукми билан бу юртларга фотиҳ сифатида лашкар тортиб келган бўлса-да, жаннатмисол бу ўлкани тақдир тақозосига кўра ўзига ватан тутди. Гарчанд туғилган диёри — Андижон, умрининг шавкатли дамлари кечган муаззам Самарқанд соғинчи сўнгги нафасигача ёдидан чиқмаган бўлса-да, Ҳинд тупроғига, ҳинд элига ҳам меҳр қўйди, уни обод ва яқдил қилишга интилди, тарқоқ, ўзаро адоватли қабилаларни бирлаштириб, марказлашган улкан давлатга асос солди. Бобурнинг тарихий хизмати шунда бўлдики, у бир томондан, Туркистонда барҳам топган темурийлар сулоласининг фаолиятини ўзга юртларда шуҳрат билан давом эттирган бўлса, иккинчи томондан, ўзи ва авлодларининг мамлакатдорлик сиёсати билан Ҳиндистон давлатчилиги тарихида янги саҳифа очди. Ҳинд мулкини забт этган фотиҳ ўлароқ у ўлканинг бойликларини юртига ташиб кетмади, аксинча она ватанидан неки олиб келган бўлса, барини шу диёрнинг ободончилигига, тараққиётига сарф қилди. Бобурийлар сулоласининг моддий ва маънавий ҳазиналари эвазига дунёга келган машҳур мумтоз обидалар, меъморий мўъжизалар бугун Ҳиндистоннинг ҳуснига ҳусн, шуҳратига шуҳрат қўшибгина қолмасдан, улкан иқтисодий фойда ҳам келтирмоқда.

Муҳтарам ўқувчиларимизга бирмунча тасаввур бериш мақсадида қўш саҳифада бобурийлар шажарасини эълон қилмоқдамиз. Кўриниб турибдики, Бобурдан кейин тожу тахт Ҳумоюн Мирзога ўтади. У 1530 — 1556 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилади. Сўнгра Акбар (1556 —1605), Жаҳонгир (1605— 1627), Шоҳжаҳон (1627 — 1658), Аврангзеб (1658 — 1707), Баҳодиршоҳ I (1707 — 1712), Жаҳондоршоҳ (1712—1713), Фарруҳсийяр (1713 — 1719), Муҳаммадшоҳ (1719—1748), Аҳмадшоҳ (1748 — 1754), Оламгир II (1754 — 1759), Шоҳ Олам II (1760—1806), Акбар II (1806—1837) ва ниҳоят Баҳодиршоҳ II (1837—1858) салтанатни бошқарадилар. Табиийки, нисбатан қисқа муддатларда ва каттакичик вилоятларда ҳукмронлик қилган бобурий шаҳзодалар бу рўйхатга кирмайди.

Ана шу тариқа бобурийлар сулоласининг тадрижий ҳалқаси XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар — Ҳиндистонни инглиз мустамлакачилари забт этгунгача давом қилиб келади. Мутахассисларга Баҳодиршоҳ II — Зафарнинг 1858 йили тахтдан туширилиб, Рангунга (ҳозирги Бирма давлати) сургун этилгани ва етмиш икки ёшида шу ерда инглиз босқинчилари томонидан қатл қилингани маълум эди-ю, бу ёруғ оламдан кўз юмган ҳар бир инсоннинг ортида қолган ҳаёт йўлини, ўзидан кейинги тақдирини ҳақида тарих шу пайтгача сукут сақлаб келарди. Жаноб Зиёвиддин Тусийнинг мактуби шу жумбоқни ечишга бир калит бўлса, ажаб эмас.

ДЕҲЛИ. ТОЖДОР БОБУР

Алқисса, 15 октябрь куни Бобур авлодлари билан учрашмоқ муддаосида Ҳинд сори юзландик.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниямиз икки соату қирқ минутда Деҳлига — Индира Ганди номидаги халқаро аэропортга етказиб қўйди.

Янги Деҳлининг Висант Вихар кўчасида жойлашган, тепасида республикамиз байроғи ҳилпираб турган икки ошиёнали, кўркам консульхонамизда ҳам суҳбат асосан Бобур ва бобурийлар хусусида борди.

— Мана бу мақолага бир қаранг, — деди Аҳмаджон ака «Ҳиндистон таймс» газетасининг шу кунги сонини кўрсатиб. — Ноябрь ойининг охирида Ҳиндистон парламентига янги сайловлар бўлади. Шу муносабат билан рўзномалар депутатликка номзодлар билан таништирмоқда. Суратдаги бу аёл Ҳиндистон Миллий Конгресси фирқаси томонидан номзод экан. Исми-шарифига диққат қилинг-а!

Сочларига оқ оралаган, нигоҳлари тетик ва қатъий, нуроний бу аёлнинг исми-шарифи Тождор Бобур экан! Тасодифми бу ёки унинг ҳам бобурийлар хонадонига дахлдорлиги бормикан?.. Қизиғи шундаки, депутатликка номзод ўз мақоласида Ҳиндистондаги барча миллатларнинг тенглиги, турли диний эътиқодларга бирдай ҳурмат билан ёндашув зарурлиги ҳақида сўз юритиб, ўтган йили мутаассиб кучлар томонидан Айодха шаҳрида Бобурнинг Жоме масжиди вайрон қилинганини қаттиқ қоралабди. Унинг фикрича, жоҳил, ақидапарст бундай қимсаларга эрк берилса, оламнинг етти мўъжизасидан бири бўлмиш Тожмаҳал қасрини ҳам яксон қилишдан тап тортмайдилар.

Мақоладаги теран, салмоқли хулосалар ҳам, муаллифнинг исми-шарифи ҳам диққатимизни тортди. Афсуски, дам олиш куни бўлгани сабабли газета идораси ишламас экан, Тождор Бобур хоним ҳақида батафсилроқ маълумот олишнинг имкони бўлмади. Бу вазифани Аҳмаджон ака ўз зиммаларига олдилар. Мен эса сафаримнинг бундай хайрли тасодиф билан бошланганидан бениҳоя мамнун бўлдим.

Эртаси куни Аҳмаджон ака ҳамроҳлигида Ҳайдарободга қараб йўл олдик.

ҲАЙДАРОБОД. ДИЙДОР

Ҳайдаробод — Ҳиндистоннинг жанубида жойлашган йирик шаҳарлардан бири, уч миллиондан зиёд аҳолиси бор, самолётда икки соатлик йўл экан.

Шаҳарга кечга томон етиб келдик. Энди меҳмонхонага жойлашиб бўлган ҳам эдикки, телефон жиринглаб, урду тилида чиқадиган маҳаллий «Раҳнамои Даккан» рўзномасининг мухбири ўзини таништирди. Айтишига қараганда, у Тусийлар хонадони орқали бизнинг ташрифимиздан дарак топибди. Бу ердаги журналист ҳамкасбларимизнинг тезкорлигига қойил қолиш керак: эрталабига шу хабар газетада чиқиб турибди!

Ва ниҳоят, мана, орзиқиб кутилган учрашув — «Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» — Бобур авлодлари дарасидамиз. Улар шаҳарнинг янги барпо бўлаётган мавзеларидан бирида, чоғроққина хонадонда истиқомат қилишар экан. Ҳовли эшигига оиласий нишонни англатадиган лавҳа битиб қўйилган.

Ҳайдарободда урду ва инглиз тилларида чоп этиладиган «Раҳнамои Даккан», «Даккан хроникл», «Сиёсат» газеталарининг, маҳаллий телевидениенинг мухбирлари учрашувимизга мунтазир бўлиб туришган экан. Бу, албатта, бир томондан, Ўзбекистон раҳбарининг махсус мактубига Ҳиндистон тарафидан кўрсатилаётган алоҳида эътибордан, иккинчи томондан, бобурийлар оиласининг бу ердаги обрўсидан далолат берарди.

Бизни бобурийларга хос юксак иззат-икром билан қарши олишди. Озода, ораста, бир хонага кириб ўлтиришимиз билан қадимий ҳинд одатига кўра бўйнимизга яшнаб турган анвойи гуллардан тизилган гулчамбар осиб қўйишди.

Юз-кўзида ҳаяжон акс этиб турган бобурийзодалар билан бирин-кетин таниша бошладик: Бегим Соҳиба Лайло Уммахони — жамият раиси, Баҳодиршоҳ Ҳнинг чевараси, Зиёвиддин Тусий — жамият бош котиби, Лайло Уммахонининг катта ўғли, Масиҳиддин Тусий—жамиятнинг маданий ишлар бўйича котиби, Лайло Уммахонининг иккинчи ўғли, қизлари, келинлари, набиралари...

Президентимиз номидан, бутун ўзбек халқи номидан олис аждодларимизнинг ворисларига махсус нома ва қимматбаҳо туҳфаларни тортиқ қилиб, бу хонадон ва унинг соҳиблари шаънига эзгу тилакларимизни баён этдик. Самимий дил сўзлари битилган Президент мактуби билан танишар эканлар, жаноб Зиёвиддин Тусийнинг ҳам, муҳтарама онахон Лайло Уммахонининг ҳам беихтиёр кўзлари намланиб, товушлари титраб кетди.

Миллий анъанамизга биноан Зиёвиддин акага зардўзи бекасам тўн, дўппи кийдирдик, белига белбоғ боғладик ва қаршимизда қорамағиз, салобатли бир ўзбек пайдо бўлди. Назаримда, шу лаҳзаларда у кишининг суврат ва сийрати ажиб бир тарзда уйғунлик топган эди.

Лайло Уммахони хонимга чой ичганда юртимизни эслаб юрсинлар, деб ўзбекона нақшлар ила жило берилган пахта гулли чойнак-пиёла ҳадя этдик.

Хонадон аҳлига эса Президентнинг яна бир совғаси — ҳазрати Алишер Навоийсиймоси туширилган ипак гиламча тақдим қилинди. Зеро Мир Алишер жаноблари Бобур Мирзонинг ҳам ғойибона устози бўлганлигини бу оила аъзолари яхши билар эдилар. Шунингдек, Бобурнинг мамлакатимизда яқинда нашр этилган «Бобурнома», «Мубаййин»нинг бешинчи қисми — «Китобул ҳаж» асарларини, улуғ бобомиз тасвири туширилган плакат ва кўкрак нишонларини ҳам эсдалик тариқасида туҳфа қилдик.

Сўнгра муҳтарама Лайло Уммахони ўзбек халқига, юртимиз етакчисига чин дилдан миннатдорчилик билдириб, дуои фотиҳа қилди.

«Мен бобокалонларим ватанида ҳеч қачон бўлган эмасман, — деди у кўз ёшларини артиб. — Аммо бу тўғрида кўп ҳикоятлар, сирли ривоятлар эшитиб улғайганман. Баъзан аждодларим юртини тушларимда кўрар эдим. Шукур, бизни ҳам йўқлайдиган йўқловчилар бор экан. Ҳазрати Темур ва ҳазрати Бобурнинг биздек камтар авлодларига Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов жаноби олийлари юксак меҳр-мурувват кўрсатган эканлар, бу у кишининг ўзлари ҳам шундай арбоблар сирасига киришларидан далолат беради. Чунки, ҳазрати Темур ва ҳазрати Бобур камсуқум ва забун инсонларга ҳамиша шундоқ муҳаббат ва шафқат билан муносабатда бўлар эдилар. Оллоҳ у кишидан рози бўлсин...».



СУРАТДА: Лайло Уммахони, Зиёвиддин Тусий онла аъзолари билан.

таваллудининг 510 йиллигига

НОМУРОД БОБУРНИ...“

ТААССУРОТИ

«Мен ҳаётда мустақил интилиб, урду, ҳинд, араб, инглиз тилларини ўргандим, — деди жаноб Зиёвиддин Тусий. — Аммо Ўзбекистон Республикаси Президентининг хонадонимиз шаънига кўрсатган юксак эътибор ва марҳаматлари учун ташаккур изҳор этишга ҳозир шу тилларнинг бирортасидан ҳам муносиб сўз тополмаяпман. Бу иззат-икромдан бошимиз кўкларга етди».

«Гарчанд бизнинг жамиятимиз «Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» деб аталсада,—дея давом этди Зиёвиддин ака, — биз ўзимизни доимо темурийлар авлодининг ворислари деб биламиз. Таассуфлар бўлсинки, биз оталаримиз юрти Ўзбекистон ҳақида жуда оз тасаввурга эгамиз. Бу борадаги билимларимиз «Бобурнома», «Ҳумоюннома» каби асарлар асосида шаклланган. Лекин боболаримизнинг тарихий ватанида рўй бераётган бугунги оламшумул ўзгаришлардан бирмунча хабардормиз. Биз, аввало, Ўзбекистон халқини, унинг раҳбарини миллий мустақиллик билан муборакбод этамиз. Бизнинг оиламиз, бизнинг авлодимиз мустамлака азобини, қарамлик уқубатини бениҳоя кўп тортган, шунинг учун ҳам биз истиқлолнинг қандай улуғ неъмат эканлигини айниқса яхши биламиз ва ҳис қиламиз. Шу боисдан ҳам биз Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон майдонида пайдо бўлганида беҳад қувондик. Ва шундан кейингина ўзимиз ҳақимизда, жамиятимиз ҳақида сизларга дарак беришга азму қарор қилдик. Тилагимиз шулки, ўзбек халқи Ислом Каримов жаноби олийлари етакчилигида барпо этаётган янги давлат бир пайтлар улуғ аждодларимиз барпо қилган Тожмаҳалдек мустаҳкам, абадий ва оламга машҳур бўлсин...».

Хонадон соҳиблари тўлиб-тошиб сўзлар адилар. Уларнинг ҳис-ҳаяжонлари, шодлик ва армонлари поёнсиз эканлиги сезилиб турарди. Ҳассос қалбларидаги асрий соғинч туйғуси таърифига қалам ожиз эди, десак, асло муболаға бўлмас.

Учрашув чоғи хона тўридаги Бобур Мирзонинг матога ишланган рангли расмига бир неча бор қараб қўйганимизни сезиб, Зиёвиддин ака изоҳ берди: июль ойида Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция Ҳайдарободда бўлган чоғида бу оилани излаб топибди, улар билан суҳбат қуриб, ушбу расмни ва яна кўпгина эсдалик совғаларини тортиқ қилибди. Оташин бобурпарвар, табиатшунос олим Зокиржон ака Машрабов бошчилигидаги экспедиция аъзоларининг бу савоб, ҳайрли ишлари маҳаллий матбуотда батафсил ёритилган экан, хонадон соҳиблари шу газеталарни бизга лутфан тақдим этишди.

Сўнгра бир пиёла чой устида суҳбатимиз давом этди. Табиийки, бу хонадоннинг тарихи, тақдири, бугуни бизни бениҳоя қизиқтирар эди. Лайло Уммахони ва Зиёвиддин Тусийнинг мароқли ҳикояларини тинглаб, бу авлоднинг кечмиш-кечирмишларидан, уларнинг бошидан ўтган ёруғ ва қоронғи кунлардан озми-кўпми хабардор бўлдик.

«МИРЗО ҚУЁШ АВЛОДИДАНМИЗ...»

Демак, юқорида зикр этганимиздек, 1858 йили инглиз қўшинлари Ҳиндистонни босиб олгач, сўнгги бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ II душман таъқибидан қочиб, Деҳлидаги Ҳумоюн Мирзонинг мақбарасига яширинади. У бобокалони дафн этилган мақбаранинг ертўласига тушиб жон сақламоқчи бўлади, бироқ ёв лашкари уни тутиб олади. Баҳодиршоҳ II тожу тахтидан мосуво этилади ва Рангунга ихрож — сургун қилинади.

Бутун Ҳиндистон бўйлаб бобурийлар хонадонига нисбатан қатли ом бошланади. Лайло Уммахонининг изтироб билан ҳикоя қилишларича, Баҳодиршоҳ Ценинг аҳли аёллари, фарзандлари, ичкилари, қариндош-уруғи, хизматчиларига қадар аёвсиз суратда қиличдан ўтказилади. Подшоҳнинг Жавонбахт Зийнат Маҳал, Роҳат Маҳал сингари хотинлари, бола-чақалари қатл қилинади. Ҳатто бешикдаги гўдаклару мункайиб қолган қари-қартангларга ҳам шафқат этилмайди. Собиқ шоҳ эса 1862 йил 7 ноябрь, жума куни Рангунда, 72 ёшида ёв қўлида шаҳид бўлади.

Бир пайтлар оламни зир титратган бобурийларнинг шавкатли сулоласи шу тариқа аянчли ва фожиали хотима топиши муқаррар эди, аммо Оллоҳ — улуғ, Оллоҳ — марҳаматлидир, Яратганнинг қудрати ва адолатини қаранглар, Баҳодиршоҳ II нинг Мирзо Қуёш исмли ўғли — ёш гўдак бир тасодиф бўлиб, шу қирғин-қиёматлардан омон қолади. Раҳмдил ва мурувватли инсонлар уни ажал чангалидан яшириб асрайдилар. Кейинчалик, гўдак эс-ҳушини танигач, унга панд-насиҳат қиладиларки, энди сен нобуд бўлмай десанг ўзингнинг кимлигингни, кимларнинг авлоди эканлигингни унутгил, ҳеч қачон ўзлигингни ошкор қилмагил...

Алқисса, Мирзо Қуёш шундоқ таҳликали бир вазиятда ўсиб-улғаяди, шароит тақозосига кўра олийжаноб насл-насабини сир тутишга мажбур бўлади. Вақти-соати етиб, Мирзо Қуёшдан Мирзо Абдуллоҳ деган ўғил, Мирзо Абдуллоҳдан эса Мирзо Абдулғафур исмли бир фарзанд вужудга келади. Замонлар ўтиб, Мирзо Абдулғафур ҳам бола-чақали бўлади — бир ўғил, икки қиз кўради. Мирзо Юсуф исмли ўғли навқирон ўн саккиз ёшида вафот этиб кетади ва бу ёруғ дунёда ундан ёдгор бўлиб икки қиз қолади. Қизларининг каттаси Ҳуснижаҳоноробегим. иккинчиси — ҳикоямиз қаҳрамони — муҳтарама Лайло Уммахонидир.

Ҳуснижаҳоноробегим 76 ёшда, машҳур аждоди — бобурий ҳукмдор Аврангзеб шарафига Аврангобод деб аталган шаҳарда истиқомат қилар экан. Афсуски, сафаримиз қисқа бўлгани туфайли биз Аврангободга бориб у кишини зиёрат қила олмадик, лекин, Тусийлар хонадонидаги суҳбатда бу оила ҳақида ҳам бирмунча маълумот олишга муяссар бўлдик. Маълум бўлишича, Ҳуснижаҳоноробегимнинг Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Боқир, Муҳаммад Аскар деган уч ўғли, Аҳтар Фотима, Нодира Фотима, Муштар Фотима, Наири Фотима исмли тўрт қизи бор экан. Тўнғич фарзанди Муҳаммад Бобур Аврангобод шаҳридаги ветеринария бошқармасининг бошлиғи бўлиб хизмат қиларкан.

Кўриниб турибдики, «Ҳуснижаҳоноробегим», «Муҳаммад Бобур», «Муҳаммад Аскар» (Бобурнинг учинчи ўғли шу исм билан аталган) деган номларнинг ўзиёқ бу хонадоннинг қадимий ва аслзода ўтмишидан далолат беради.

Лайло Уммахони ҳозир 72 ёшда бўлиб, тўрт ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказганлар. Умр йўлдоши Муниддин Тусий ўн уч йил муқаддам бандаликни бажо келтирган. Ўғилларининг исми: Зиёвиддин, Масиҳиддин, Шажоъиддин, Орифиддин (шу кенжа ўғли беш йил бурун вафот қилган экан). Қизлари Моҳируҳ Уммахони, Гулруҳ Уммахони, Лайлоруҳ Уммахони. Келинлари: Ҳамронисобегим, Насиймбону, Каниз Фотима, Зартожбегим.

Зиёвиддин Тусий жаноблари кичикроқ хизматчи вазифасида ишлаб, ҳозир нафақада эканлар. У кишининг Шоҳнур, Минҳожиддин отлиғ ўғиллари, Малиҳа деган қизлари бор.

Масиҳиддин ака эса кейинги беш йил давомида Бирлашган Араб Амирликларида меҳмонхона бошқарувчиси лавозимида ишлаб келиб, шу кунларда яна хизмат сафарига тадорик кўраётган эканлар. Муниддин деган ўғли, Маймуна, Африна исмли туйғун, кўзлари чақнаган қизалоқлари билан кўришиб, кўп мамнун бўлдик.

Учинчи ўғил — Шажоъиддин Тусий оиласи — рафиқаси ва Амина, Музаммилиддин, Мудассариддин номли фарзандлари билан Бирлашган Араб Амирликларида хизмат қилар экан.

Марҳум Орифиддин Тусийдан қолган ўғилнинг исми Ҳабибуддин бўлиб, у ҳам бобурийлар хонадонининг севикли аъзоларидан ҳисобланарди.

Суҳбатдошларимизнинг айтишларича, бугунги бобурийлар оиласига мансуб кишиларнинг сони етмиш олти кишини ташкил этади.

«Бобурийлар улуғ сулола эди, бинобарин, уларнинг вакиллари дунёнинг кўп мамлакатларида бўлиши табиий,— деди Масиҳиддин Тусий. — Бизнинг қариндош-уруғларимиз Покистонда, Бангладешда, Бирмада, Афғонистонда ва бошқа юртларда ҳам яшаётган бўлишлари мумкин. Афсуски, қўлимиз қисқалик қилиб, биз уларни излаб топиш, алоқа ўрнатиш борасида айтгулик иш қилолмадик. Энди жамиятимиз шу вазифалар билан шуғулланмоқда. Айтинг-чи, Ўзбекистонда ҳам бобурийларнинг авлодлари борми?».

Биз ўйланиб қолдик.

Чиндан ҳам, беш юз йил тарих учун киприк қоққудек бир фурсат. Наҳотки, шу муддат ичида юртимизда бобурийлар сулоласига дахлдор одамлар буткул унутилиб кетган бўлса? Наҳотки уларнинг бирон-бир ному нишони қолмаган бўлса?..

Албатта, ҳаммамиз ўзимизни темурийлар, бобурийлар аждод-авлодининг маънавий ворислари ҳисоблаймиз. Аммо бу ўринда сўз бевосита қон-қариндошлик ришталари хусусида, ноёб наслий боғланишлар хусусида бормоқда эдики, дабдурустдан бу саволга жавоб топмоқ мушкул эди.

Республикамизда Бобур Мирзонинг шахсияти ва ижодига ҳурмат-эҳтиром юксак мақомда эканлиги, Андижонда уч юз гектарли Бобур боғи ташкил этилиб, муҳташам ёдгорликлар қўйилаётганлиги, улуғ бобомиз номида дорилфунун ишлаб турганлиги, беназир шоирнинг китоблари ва у ҳақдаги асарлар юз минглаб нусхаларда чоп қилинаётгани ҳақидаги ҳикояларимиз бобурийлар шажарасининг давомчиларида эҳтиёт қизиқиш ва мамнуният уйғотди.

Суҳбатимиз якунланиб қолганида тўсатдан бу хонадонга АҚШдан, Калифорния дорилфунунидан қўнғироқ бўлди. Зиёвиддин ака телефонда ўн беш дақиқача сўзлашиб, сўнг бизга айтдики, шу дорилфунуннинг қиёфашунос (антропология) профессори Кэтрин Нейноуэл хоним эртадан кейин — 19 октябрь куни уларнинг хонадонига ташриф буюриш истагини маълум қилибди. Бу олима жаҳондаги машҳур ҳукмдорлардан бири — Бобур ва унинг авлодлари антропологияси бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган экан.

АРМОН

Учрашув чоғида беҳад мутаассир бўлган бобурий ватандошларимизнинг сўзларида гоҳо шикаста армон оҳанглари ҳам сезилиб қоларди.

«Бизнинг орзуларимиз катта эди, — деди Зиёвиддин Тусий хўрсиниб. — Аммо, манглайимизга ёзилгани эришганимиз шу бўлди. Мен бир пайтлар Москвага, Патрис Лумумба номидаги дорилфунунга, кейин эса, Америкага ўқишга бормоқчи бўлиб ҳаракат қилдим. Афсуски, таҳсил пешонамизга битмаган экан. Онамни, фарзандларимни ташлаб кетолмадим, ука-сингилларим ёш эди, тирикчилик қаттиқ бўлди. Начора...».

«Бизнинг жойларимизда иш топиш ҳам, таҳсил олиш ҳам мушкул муаммо, — деди Масиҳиддин Тусий. — Шунинг учун қўшни давлатларда ёлланиб ишлаб келишга мажбурмиз. Қани энди, бизнинг ҳам фарзандларимиз олий маълумотли бўлса...».

«Ота-боболаримнинг киндик қони томган Фарғонани бир кўрсам, армоним йўқ эди», — дейди Лайло Уммахони.

Хонадон, юқорида айтганимиздек, чоғроқ бир уйда ижарага истиқомат қилади. Туриш-турмушлари камтар камсуқум. Бир неча йил бурун ўзларига иморат солиш учун жой сотиб олишган, аммо қуришга қурбилари етмаган.

Бироқ тагли-тахтли, зоти тоза одамлар эканлигини уларнинг муомала йўсинларидан, тарбият ва маърифатларидан, уйларидаги исломий муҳитдан шундоққина сезилиб туради.

Хайрлашар чоғимиз Лайло Уммахони ташвишланиб шундай дедилар: «Меҳмонхонада қийналиб юрасизларми, бизнинг уйимизда ётиб қола қолинглар...».

Бу — Туркистоннинг муштипар оналарига, чинакам ўзбек аёлларига хос бир фазилат эдики, беихтиёр биз ҳам мутаассир бўлдик ва бу ажойиб хонадон аҳли ила тез кунларда яна дийдор кўришиш истаги билан хайрлашдик.



Bahadur Shah Zafar

Сўнгги бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ II — Зафар.

ТАБАРРУК ҚЎЛЁЗМАЛАР

Ҳайдаробод шаҳрига келган одам, табиийки, бундаги машҳур Салар Жанг музейини кўрмасдан кетиши мумкин эмас. Шунга кўра Масиҳиддин аканинг ҳамроҳлигида шу даргоҳга келдик.

Салар Жанг — атоқли ҳукмдор бўлган, музейдаги барча экспонатлар унинг шахсий бисотидан ташкил топган. Уч ошиёнали муаззам саройда жойлашган бу мозий масканини алоҳида таърифлаш лозим.

Бобур Мирзонинг шу ерда сақланаётган «Бобурнома» асари ва «Девон»ининг турки қўлёзмаси бизни қўпроқ қизиқтиргани боис қўлёзмалар бўлимининг мудири доктор Раҳматуллоҳ Алихон билан учрашдик. Бобурий ҳукмдорларнинг суврагилари, ўша даврга оид миниатюралар билан безатилган хонада ўтирган жаноб Раҳматуллоҳ Алихон бизнинг ўзбекистондан эканлигимизни эшитгач алоҳида эҳтиром қилиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан асраб-авайлаб сақланаётган мазкур қўлёзмаларни кўрсатдилар. «Девон»ни шундоқ очишимиз билан кўзимиз ушбу сатрларга тушди:

Чархнинг мен кўрмаган
жабру жафоси қолдиму,
Хаста кўнглим чекмаган
дарду балоси қолдиму...

Назаримда, бу маҳзун сатрлар Бобур ва унинг авлодлари ҳаётининг энг мухтасар ва мукаммал шарҳу баёни эди.

Суҳбат асноси доктор Раҳматуллоҳ Алихон марҳум Ҳамид Сулаймонни эслади, ўзбек бобуршунослари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ҳақида сўзлади.

Биз шу табаррук қўлёзмалардан нусха олиш учун у кишининг сайъ-ҳаракат кўрсатишларини илтимос қилдик. Кекса олим бу борада қўлидан келган ёрдамни аямасликка ваъда берди.

«БАХТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ...»

Сафаримиз қариб, Тошкентга қайтиб келгач, амалга оширилган ишлар ҳақида тегишли ҳисобот топширдик. Бобурийлар хонадонининг ғаройиб тақдири, сабр-бардоши, маърифати ҳақидаги маълумотлар раҳбариятда улкан қизиқиш уйғотди.

Бу оиланинг орзу-армонлари, муаммоларидан воқиф бўлингач, сулола соҳибаси Лайло Уммахони ва ўғиллари юртимизга — Бобурнинг таваллуд тўйига таклиф қилинадиган бўлди.

Биз ҳали Деҳлида эканлигимизда консулхонамизга Зиёвиддин Тусийдан телеграмма келди. Жаноб Тусийнинг ёзишича, улар ўз жамиятларини қайта номлашга қарор қилишибди: бундан буён бу ташкилот «Бобурийлар тарихини ўрганувчи ҳинд-ўзбек маданий академияси» деб аталадиган бўлибди.

Куни кеча эса муҳтарама Лайло Уммахонидан Президентимиз номига мактуб келди. Бяу нома матбуотда эълон қилинди, бинобарин, унинг мазмуни ҳурматли газетхонларга таниш. Биз қуйида шу хатнинг айрим муҳим ўринларини қайта эслаб ўтишни лозим деб билдик:

«...Мен кексайиб қолган бир аёлман, шу бонс ҳам умримнинг ҳар бир кунини худонинг улуғ неъмати деб биламан. Мен тақдирнинг кўп жабру жафоларини бошимдан ўтказдим. Шукур, ҳозир ҳузур-ҳаловатда умргузаронлик қилмоқдаман, аммо бизнинг темурий сулоламиз беҳад қийинчиликларга дучор бўлди. Биз хиёнат, макр-ҳийла азобларини ҳам хўп тортдик, сабаби — наслнасабимизнинг ноёблигидадир. Фақат темурийлар хонадонига хос бўлган сабот-матонатгина бизни ғурбат ва муҳтожлик чангалидан халос этди. Беҳисоб кулфат ва йўқотишларга қарамасдан биз асло таслим бўлмадик, қалбимиздаги некбин руҳ ҳеч қачон сўнгани йўқ. Шу кунларда ҳам тирикчилик ўтказиш учун жонимизнинг борича ҳаракат қилишимизга тўғри келади. Аммо, ишончимиз комилки, Оллоҳ бизни ўз паноҳида сақлайди ва мадад беради.

Жаноби олийлари, мен Сиз орқали Ўзбекистоннинг жами фарзандларига дуои салом йўллайман...

Азиз ўзбекистонлик биродарлар, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида юксак довонларни забт этишингиз учун Сизлар ҳали олис ва машаққатли йўлни босиб ўтишингиз лозим. Фаровонликка элтувчи бу йўлингиз равон ва текис бўлиши учун ёш насллар тарбияси борасида Сизлар кўп меҳнат қилишингиз даркор. Ўз ҳукуматингизга содиқ бўлинг, ҳамиша аҳил, бақамжиҳат бўлинг — ана шундагина турмуш қийинчиликларини енгишга қодир бўласиз. Соҳиби карам Оллоҳ таолонинг марҳамати ила Сизларнинг насабингиз жасур ва мард инсонлар зотига бориб туташади. Шуни ёдингизда тутингки, Оллоҳнинг илоҳий йўриқларига риоя этсангиз, У ҳамиша Сизларга ёр бўлгай. Оллоҳ орангиздан муносиб бир кишини сайлаб олиб, уни Сизларга раҳнамо айлаган ва Сизларни ёруғ кунларга етказишни унга амр этган экан, барчангиз унинг доно ўгитларига амал қилишингиз лозим. Шундагина Сизлар бошқа эл-элатлар орасида ажралиб турадиган буюк миллатга айлана оласизлар. Ўзларингизга етакчи этиб сайлаганингиз эса, билингки, Халифадир. Шу боис ҳам бахтингизни бой берманг, ҳамфикр бўлиб, ҳамкор бўлиб, бирлашибгина давлатингиз олдида турган қийинчиликларни бартараф қилишингиз мумкин. Агар ақлидрок сўзига қулоқ тутсангиз, Сизларни гўзал истиқбол кутажаги муқаррардир.

Буюк бобокалоним Бобурнинг 510 йиллик таваллуд тўйи юксак мақомда нишонланишига ишончим комил. Сиз жаноби олийларининг бу борада улкан сайъ-ҳаракат кўрсатаётганингиз эса бизни чексиз қувонтирмоқда.

Оллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилаб қоламан. Ишончим комилки, Яратган тангрининг ўзи Сизнинг эзгу ишларингизга мададкор бўлғай».

• • •

Ҳар сафар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг шонли авлодларининг мураккаб қисмати, чигал тақдирлари ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр мумтоз адибнинг «Инсон — мўъжиза, дунёда ягона мўъжизадир», деган сўзлари ёдимга тушади.

Замонлар тўфонида йитиб кетмаган, ўзини, ўзлигини ҳамиша бутун сақлаган бугунги бобурийларга ҳар қанча ҳайрат ва ҳавас қилса арзийди.

Эҳтимол, истиқболдаги шу машаққатли синовларни, сирли синоатларни юраги сезганиданми, шоир бир пайтлар:


«Васлинг мурод эрса,
айла ёд Бобурни,
Унутмагил бу номурод
Бобурни», —

дея изтироб ичра хитоб қилган эди.

Шуни мамнуният билан айта оламизки, ўзбек халқи буюк аждодлари қатори Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳам не-не мудҳиш қатағонларга қарамасдан доимо қалб тўрида ардоқлаб келди.

Насл-насабини, улуғ фарзандларини унутмаган халқнинг ўзи ҳам улуғ бўлади.

Хайриддин СУЛТОН.



Таҳририят: Х. Ғуломов кўчаси, Ориф Ҳикмат кўчаси бурчагида, 30. Телефонлар: 62-93-71, 62-93-72, 62-93-73, 62-93-74, 62-93-75. Навбатчи: 62-93-76. Факс: 62-93-77. Газета ўзбек тилида чиқади. Индекс 64001. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди. Босишга топширилди 10.11.93 й. Соат 17.00. Нашр № 1-1. Буюртма № 1-1. Адади 1 000 000 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент полиграфкомбинатида босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ҚАРОРИ

● **Хавфсизлик кенгаши БМТнинг беш ҳарбий кузатувчиси 1994 йилнинг 31 январигача Грузияда қолишини маъқулладн.**

Кенгашнинг ўтган куни қабул қилган резолюциясида шу ҳақда сўз боради. БМТ томонидан жорий йилнинг августида йўлланган 88 нафар ҳарбий кузатувчи томонларнинг 1993 йилнинг 27 июлида қабул қилинган ўқ узмаслик ҳақидаги битими бажарилишини кузатиб турган эди. Аммо, комиссиянинг бирламчи мандати Абхазиядаги 16—27 сентябрда бўлиб ўтган қуролли тўқнашувлардан сўнг ўз кучини йўқотди.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

● **Копенгагенда Россия ва Дания бош вазирлари Виктор Черномирдин ва Поуль Норис Расмуссен Россия ва Дания ўртасидаги давлатлараро муносабатлар асослари ҳақидаги «яна 500 йил дўстлик ва тинчлик» декларациясини ҳамда сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимни имзолади.**

Россия ва Дания «яхши қўшничиликка ва ҳамкорликка асосланган тинчлик ва дўстлик алоқаларини ривожлантиради», дейилади декларацияда.

ЯПОНИЯ ЭҲТИЁТКОРЛИК РЕЖАЛАРИНИ ТУЗМОҚДА

● **Жанубий ва Шимолий Кореянинг бирлашиши ҳақидаги гаплар Японияни ташвишга солиб қўйди.**

Ядро қуролига эга давлатларнинг ҳаммасига маълумки, яқин масофадан туриб қўлланиладиган ядро қуролини ҳеч нарса билан даф этиб бўлмайди. Ядро қуролига эга бўлган Жанубий ва Шимолий Кореянинг бирлашуви Америка, Япония ва Хитой ўртасида номутаносибликни юзага келтиради. Шунинг учун Япония зудлик билан хавфсизлик режаларини тузмоқда, деб хабар беради Германиянинг «Вельт» газетаси.

ГЕРМАНИЯ ЯҚИН ШАРҚ БИЛАН ҚИЗИҚМОҚДА

● **Германия ташқи ишлар вазири К. Кинкелнинг Саудия Арабистони ва Иордания қироллигига ташрифи Германия яна Яқин Шарқ давлатлари билан яхши муносабатлар ўрнатишга интилаётганидан далолат бермоқда, деб хабар беради, «Ляйпцигер Фольксцайтунг» газетаси.**

Клаус Кинкел ўтган йили Ташқи ишлар вазири этиб тайинланганидан сўнг дастлабки сафарини Исроил ва Тунисдан бошлаган эди.

ОЛТИН БИРЖАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

● **Тез орада Москвада олтин билан савдо қилувчи биржа очилади. Уни ташкил этиш билан боғлиқ режалар Россия Қимматбаҳо металлар комитетида муҳокама этилди.**

Тайёрланган барча лойиҳа ҳужжатлари Президентга тақдим этилган. Яқин орада биржани очиш ҳақидаги фармон имзоланиши кутилмоқда.

Биржанинг ташкил этилиши давлат хазинасидаги қимматбаҳо металлар миқдорини кўпайтиришга хизмат қилади, деб хабар беради РАТА — ТАСС ахборот маҳкамаси.

ВАБО КАСАЛИ ХАВФИ ТУФАЙЛИ

● **Саудия Арабистони ва Тайван «Вабо касали хавфи мавжудлигини» инобатга олиб, Покистондан тирик балиқ харид қилишни тўхтатди.**

Бундан Покистон катта зарар кўради. Зеро балиқ билан савдо қилиш ҳар йили мамлакатга 6 миллион Америка доллари миқдорида фойда келтирар эди, деб хабар беради РАТА —ТАСС мухбири.

БОШ ВАЗИР ПРЕЗИДЕНТНИНГ НИЯТИНИ МАЪҚУЛЛАДИ

● **Австрияда расмий сафарда бўлган Россия Бош вазири В. Черномирдин Президент Борис Ельциннинг қонуний белгиланган муддатгача вазифасини давом эттириш ниятини жуда тўғри деб ҳисоблашини айтди.**

«Мамлакат ва унинг ҳар бир фуқароси олдидаги юксак бурчини тушунган ўта ҳалол ва масъулиятли кишигина шундай йўл тутади», деди жумладан Бош вазир.

ҲУКУМАТ ҚЎШИНЛАРИ ЗУГДИДИНИ ИШҒОЛ ҚИЛДИ

● **Ўтган кунн Эдуард Шеварнадзе ҳукумат қўшинлари ишғол қилган Зугдиди шаҳри билан танишди.**

Собиқ Президент Звиад Гамсахурдианинг сўнгги қароргоҳи ҳисобланган бу шаҳарда Грузия полицияси ва ички ишлар қўшинлари назорати ўрнатилди, деб хабар беради РАТА —ТАСС мухбири Шеварнадзе котибияти маълумотларига асосланиб.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

• СИЗ СЕВГАН САНЪАТКОР

«ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР» ОТАСИ

Катта одам, машҳур санъаткорнинг ҳузурига бораяпмиз денг. Йўл-йўлакай ўзимизча мулоҳаза қиламиз. Ёши саксондан ошган кишини ота деймизми, бобоми? Биримиз у, биримиз бу деймиз. Ўзимизча ҳақмиз-да. Хуллас, келишолмадик. Уйига бордик. Ишчилар шаҳарчасидаги мўъжазгина ҳовли. Ғанижон Тошматов уйда эканлар. Секин остона ҳатлаймиз. Кулиб, қувониб айтилган «Э, йигитлар, келинглар, келинглар, қани-қани тўрга» деган чорловдан суюнамиз.

Йўлдаги тортишувлар бекор бўлди. Чунки ўз-ўзидан «домла» дея мурожаат қилганимизни ўзимиз ҳам билмай қолдик.

— Домла, шундай қутлуғ кунларда саксон остонадан ҳатлаган устоз одамнинг бир ўз устозлари ҳақидаги гапларини эшитсак девдик?

— Биринчи сабоқни уйимда олганман. Оиламиздагилар санъат йўлига тушган кишилар эди-да. Асакаликларнинг ҳаммаси санъаткор. Кейинчалик чирманда чалиб ашула айтиб юрдим. Бир куни Андижонга бориб боғда ашула айтаётувдим. Тўхтасин Жалилов мени билиб қолиб ўзи билан олиб кетди. Ўшанда ёшим 12—13 ларда эди. Кейин жуда кўп устозлар қўлида юрдик. Сўнг Фарғонага келдим. Ўша йиллари мамлакатда қурилишлар жуда кўп бўларди. Бизларни концертлар қўйиш учун олиб кетишарди. Лоғон, Катта Фарғона каналларида хизмат қилганмиз. Хуллас, елкада кўрпаю-ёстиқ, қўлда камон билан халқнинг кўнглини кўтариб юрдик. Учқўрғондан то Қўқонгача пиёда юриб келганман, десам ишонмайсизлар. Кейин Муқимий театри ташкил этилгач, раҳматли Жўрахон ака, Маъмуржон ака Оҳун қизиқ ва мени Тошкентга олиб келишди. Ўшанда 39-йиллар эди. Тез киришиб кетдик. Ҳаммаёқда мухлислар кўпая бошлади. Атрофимизда харидорларимиз ҳам кўпайиб қолди.

Жўрахон акам йўқ, бир куни Маъмуржон акам иккимизни Усмон ака **(Юсупов — муаллифлар изоҳи)** ўз дала ҳовлиларига чақириб қолдилар. Генерал Муллажон Узоқов деган киши билан таништирдилар. Яхшигина суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин Усмон акага «арз» қилдик: «Бизлар энди водийга кетайлик. Бу ер бўлмаяпти». У киши кулдилар-да, «Ишлашга бошқа ташкилот топилар. Нима энди, сизларни кўргимиз келса Фарғонага борамизми?» дедилар жиддий оҳангда. Шундан кейин радиога ўтиб ишлай бошладик.

— «Дуторчи қизлар»га қандай келиб қолгансиз?

— Бу орада оркестр, уйғур ансамблини ташкил қилдик. Бир куни раҳматли Шароф Рашидов ҳузурларига чақиртирдилар. Саломаликдан сўнг «Ғанижон ака, ўзбек халқининг миллий меросини тиклашда ёрдам берсангиз» деб қолдилар. Мен ҳаяжондаман. Шундай катта одам ишонч билдиряпти. «Жоним билан, лекин қўлимдан келармикан?» дедим истиҳола ила. Шу-шу ансамбль тузишга киришиб кетдим. Ўн тўрт йил бўлаяпти, шундан бери қизлар орасидаман.

— Домла, сиз шинаванда деган сўзни кўп ишлатасиз. Мана, сиз 30-йиллар, 40-, 50- ва ҳатто бугунги замон шинавандаларини ҳам кўриб турибсиз. Ана шу даврлар шинавандалари ўртасидаги фарқни қандай баҳолайсиз?

— Энди бошдан дўппини олиб бундоқ ўйлаб кўрсам, ҳар бир шинаванда ўз замонига яраша бўлар экан. Мен бешта давр шинавандасини кўрдим. Бу ҳазилакам эмас. Бугунги кулги мухлисларини наридан бери алдаб-сулдаб ўтирган айрим қизиқчилар агар ўша пайтларда бўлганида борми, одамлар даврагаям киритишмасди. Ҳар бир давр шинавандалари ўз ижрочиларига эга бўлиб ўшаларнинг ортидан эргашиб кетаверади. Усмон ака, Йўлдош акалар биз билан ўтириб Фурқат, Завқийларнинг шеърлари билан айтиладиган ашулаларни жўр бўлиб айтарди.

Бугунги шинаванда ҳақида аччиқ бўлса ҳам айтай, улар завқланишни яхши билмайди. Биров бир нарса деса, ўша тўғри экан, деб эргашиб кетаверадиганлар кўп. Ашулачининг қўшиғини шинавандаларга сингдириш қийин бўлиб қолди. Ахир, шуям инсофданми, қўлига бир пачка юз ё минг сўмликни олиб, ашулачининг устидан сочиб юбориш? Бу шинавандаликмас, болам, ноинсофлик!

— Энди бевосита яна Сизнинг фаолиятингиз ҳақида гаплашсак. Одамлар орасида барибир бир гап «юради»: «Ғанижон Тошматов ўз ҳайкалини ўзига дуторчи қизлари билан ўрнатиб қўйди» деган. Бу қанчалик тўғри, нотўғри билмадигу, лекин шунча қизлар, қолаверса, катта бир ансамблни элга танитиш осон кечмагандир?

— Илгари ҳам қизлар ансамбли тузилган. Лекин ташкилий жиҳатлари яхши бўлмаган. Масалан, Катта Фарғона каналида Лутфихоним раҳбарлигидаги яхшигина ансамбль хизмат қилганини эсимда. У пайтларда ёшнинг чегараси йўқ эди. Ким бўлса келиб айтаверган. Кейин тарқаб кетди. Мен ўша кўйга тушмаслик учун 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизларни қабул қилдим. Аввал анча қийин бўлди. Кейин ўрганиб кетдик. Кўплар сўрайди-да, бунча қизни қандай асраб келаяпсиз. Тарқаб кетмаганига ҳайронмиз, деб. Аввало, ўзимиз яхши бўлишга ҳаракат қилдик. Буларни яхшилик йўлига тортиш бош мақсад эди. Шунинг учун ҳам қизлар менинг шоҳимни қайиргани йўқ. Кўксимни кўтаряпти. Мана, олди иккитаси унвонли бўлди. Қолганлари ҳам эътиборда. Ҳали кўп иш қилишимиз керак. Санъатимиз жуда чуқур илдизга эга. Юз йиллаб тўпланган меросни кўп ўрганиш керак. Мен ёшлигимда ўрганганларимни қизларга бердим. Булар секин-аста мақом атрофига бирлашишяпти.

— Яна бир нарсани сўрамоқчимиз. Сизнинг шунчалик бардам, тетик бўлиб юришингизда мингта дўхтирдан кўра Ҳафизахон аямизнинг ўзлари малҳам бўлса керак?

— Бир куни Қўқондан келаяпман денг. Поездда бирови шунақа савол бериб қолди. Мен уларнинг бор фазилатларини қандай бўлса шундайлигича айтиб бердим. Эрталаб ишга хотиржам кетаман. Кечқурун хурсанд бўлиб қайтаман. Рўзғорнинг оғир-енгили, ками-кўстини билдирмайди. Кайфиятим яхши бўлиши учун ҳамма ҳаракатни қилади. Бу гапларни эшитган ҳалиги йигит «домла, сизнинг докторингиз ҳам, давойингиз ҳам ўзингиз билан бирга экан. Келинойимга минг раҳмат» деганди.

— Сиз катта қозонда қайнаган санъаткорсиз. Шунча чиғириқ, тегирмонларни кўрган бир инсон сифатида пул, шуҳрат ҳақида нима дейсиз?

— Энди бир гапни айтай. Шуҳратни пул билан сотиб олиб бўлмайди. Пул, шуҳрат деб не кўйга тушган санъаткорларнинг кўпини кўрдим. Лекин минг азоб билан топилган обрўни йўқотиб қўйгандан кейин кимни оға демасин, кимни опа демасин, барибир, ўша мавқе қайтиб келмайди. Камтарлик билан яшаб, назари баланд бўлиб юрган санъаткорлар яшайверади.

Мен сизларга яна бир воқеани айтиб берай: кундуз куни бир базмни ўтказаётган эдик. Жўрахон ака, Маъмуржон ака биргамиз. Бир йигит олдимизга келиб битта ўн сўмлик ташлаб «фалон нарсани эшитайлик» деб кетди. Айтдик. Шу орада тағин келиб «яна эшитайлик» деди. Ўн минут ҳам ўтмади. Яна келиб гапининг оҳангини сал ўзгартириброқ «фалончисидан эшитайлик» деганди, мен чидаб туролмадим. Скрипкамнинг ғалодонини ёпдим-да, ҳалиги нусха берган ўн сўмни олдиму ёнига бориб, пулини қўлига тутқазиб, «тинч ўти-рай-л-ик» дедим. Жўрахон акам, «Ғани, ҳозир сен чопон кийдиradиган иш қилдинг-да», деди. Ҳақиқий санъаткор дегани қаддини баланд қилиб юрсин, ҳа, фалончи ҳофиз ҳеч эгилмайди-я, дейишсин. Ўшанда ҳақиқий санъатчи бўлади. Лекин ҳар доим камтарликни эсдан чиқармаслик керак.



СУРАТДА: Ғанижон Тошматов «Дуторчи қизлар» даврасида.
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР ГУРУНГИДАН:

Замира СУЮНОВА: — Устозни 1979 йилдан бери биламан. Биз у киши билан кўришгунимизча катта санъаткорлар билан учрашмаганмиз. Биринчи кўрганимдаёқ у кишининг қизиқчилигини билганман. Мен «Соз чалишни билмайман» десам «Чалиб кетарсиз» деб қўйдилар. «Тановар-2»ни айтиб бердим. Нокамтаринлик бўлару, ўшанда опам ҳам ишга кирганди. Домла уларга қараб «Зулфия-хон, худо хоҳласа шу сингларингизни бутун халққа танитаман» дедилар. Мана, битта мени эмас, бутун ансамблни, ўнлаб, йигирмалаб қизларни эл-юртга танитдилар.

Тўртта қизни битта жойга жамлашнинг ўзи бўладими! Ашула ўргатиш услублари ҳам бутунлай бошқача. Менгаям аввалига ғалати туюлган. Шундай бир қочиримлар билан айтадиларки, дастлаб бир эшитган одамга жуда қийин бўлиб кўринади. Лекин ўрганардик. Хуллас, устоз билан беш юзга яқин қўшиқни ўргандик.

Қурсия ЭСОНОВА: — Биринчи марта «Бари гал»ни жуда қўрқиб айтганман. У киши бўлсалар юпатиб «Қизим, айтаверинг, одамлар ҳадемай сизни «Бари гал» деб чақиришади» деганлар кулиб. Кейин «Дилғажон»ни айтдим. Ҳазиллашиб «Мана энди Дилғажон бўлдингиз» дедилар. «Сувора»ни айтганимда «Мана шу «Сувора»ларни жамласангиз бўларкан» деб мақтадилар. Одамнинг кўнглини кўтаришни ҳам, рағбатлантиришни ҳам биладилар.

Озода МАДРАҲИМОВА: — Санъат марди-майдон, дейдилар доим. Қизларнинг кўнгли қолмасин, деб битта қўшиқни ўттизимизгаям айтирадилар. «Марди-майдон, болаларим, қайси бирингиз шу ашулани ўзингизники қилиб олсангиз айтаверинглар» дейдилар. Яна бир муҳим нарса, бизларни, қолаверса, ансамблимизни ҳам доим ҳимоя қилишга қодирлар.

Зайнаб МИРЗАТИЛЛАЕВА: — Бир куни ишга кеч қолдим. «Домла, акам мотоциклда миндириб келаётувди, кўчада ёмғир эмасми, сирпаниб бир чуқурга тушиб кетиб, ҳаммаёғимиз лой бўлиб қолди. Кейин уйга қайтиб бориб, бошқатдан қийиниб келдим» дегандим, озгина юзимга қараб турдилар-да, «Бу қайси кинодан!» дедилар. Жаҳлим чиқиб «Кинодан мас, бўлган воқеа» десам, «Ҳа, битта кино бўлибди-да» дея кулиб қўяқолдилар. Ҳазил билан йиғлаб ўтирганни ҳам кулдириб юборадилар.

Ҳурматой ЖОНИЕВА: — Кўпинча йигитлар телефон қилиб қолишарди. Гўшакни ўзлари олиб «гапиринг» дейдилар. Гапирмаса «ҳали тилингиз чиқмабди-ку окаси, тил чиққач келарсиз» деб қўйиб қўядилар. Ишда сал жаҳлларингиз чиқса «окаси» деганларидан сезиб қоламиз.

Замира РАҲМАТИЛЛАЕВА: — Икки йил аввал ажойиб қизимиз Сора Тошматованинг тўйига борадиган бўлдик. Кетиш арафасида «Қизим, қаричилик, йўлда қийналиб қолмасмикан-а!», деб сўрадилар. «Ўзингизга қаранг, лекин кўплар, Сорани билмаганлар уни сизнинг қизингиз деб юради» девдим, у киши «ҳаммаларинг менинг қизимсизлар. Э, айтгандай бу ёғиям бор экан-ку, кетдик бўлмаса» деб Ўшга қараб йўл олдик. Тўйнинг бошидан охиригача ўтирдилар.

Санобар КАРИМОВА: — Домла — бир хазина. Лекин кўпчилик учун ҳам, мен учун ҳам алам қиладиган битта армон бор. Бу хазинадан етарлича фойдалана олмаяпмиз. Агар олдинроқ ҳаракат қилганимда раҳматлик оппоқдадам — Жўрахон Султонов ҳақида битта катта китобни у кишидан «ўғирлаб» олган бўлардим-а...

ИЗОҲ: Санобарнинг бу сўзлари бизларни ҳам ўйлантириб қўйди. Домла ҳақиқатан ҳам катта очилмаган бир хазина. Бир суҳбат баҳона бизлар, қолаверса, ҳали ҳеч ким билмаган қизиқ-қизиқ хотиралару, ажойиб одамлар ҳақидаги зўр ҳикояларни айтиб бердилар.

Суҳбатимиз тугай деб қолганда фарзандлари ҳақида сўрадик.

— Худога минг қатла шукур, беш ўғил, бир қизим бор. Мухторни танийсизлар, «Останкино»нинг Ўзбекистондаги мухбири. Муҳсинжон — Консерваториядa кафедра мудири, файласуф. Санъатни жуда нозик тушунади. Мансур ҳам санъаткор. Музаффар... Домла шу ерга келганда оғир «уҳ» тортди. Муҳсин аканинг ўзи секингина шивирлаб қўйди: «оламдан ўтган. Ёш кетди раҳматлик. Сўраманглар» — Муҳаммаднинг ҳам ўз ансамбли бор. Кенжамиз Ҳумоюн тижоратчи. Бу палакда, ҳар хил қовун тугади. Унинг ишлари яхши. Мунисхон қизим телевидениеда муҳаррир. 11 неварам, бир чеварам бор. Бойман.

Домла билан хайрлашаётганимизда «газета учун аямиз билан тушган суратларингиз бўлса берсангиз» дедик. У киши кулиб «бизлар ЗАГСдан ўтганда расмга олишмасди» дедилар-да, кейин «Э, аяси, бу Холисхон (Қодирова — муаллифлар изоҳи) билан тушганим бор эди, шуни берсак-чи?», деб ҳазиллашдилар. Ҳафизахон ая ҳам бўш келмадилар. «Йиртиб ташлаган бўлсам кераг-ов» деб кулиб юбордилар...

Анвар АБДУВАЛИ,
Норқобил ЖАЛИЛ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

● Ҳамкорлик уфқлари

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкентдаги киночилар уйида «Компьютер-сентрэл эйше—93 халқаро компьютер кўргазмаси иштирокчилари журналистлар билан суҳбатлашди.

Марказий Осиёда замонавий компьютер технологияларини тезроқ жорий этиш, шу йўл билан қадимги буюк ипак йўлининг тикланишига кўмаклашиш ниятида ташкил этилган бу халқаро анжуманда 40 дан зиёд фирма ва ташкилотлар иштирок этмоқда.

Хорижий давлатлар ҳамда МДҲ мамлакатларида фаолият кўрсатувчи мазкур фирмалар вакиллари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

● Саломатлик

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Бухорода оғир ичак касалликларини даволаш муаммоларига бағишланган халқаро конференция ўтказилмоқда.

— Вилоятнинг ҳамма туманларида кичкинтойларда кўп учрайдиган ичак касалликларини глюкоза ва туз эритмалари билан даволашнинг биз ишлаб чиққан усулидан фойдаланилмоқда, — дейди Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири М. Абдураҳмонов. — Бу усулнинг моҳияти инсон танасидаги касаллик натижасида бузилган сув-туз мувозанатини тиклашдан иборат.

Халқаро анжуман ташкилотчиларидан бири, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тозалик мубошири доктор Агостино Барронинг таъкидлашича, Абу Али ибн Сино юртдошлари ишлаб чиққан глюкоза—туз эритмаси билан даволашнинг самарали усули халқаро конференция қатнашчиларининг эътиборини ўзига қаратиши табиий.

● Кўргазма

ТУРКИЯ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

«Ўзэкспомарказ»да Туркия савдо-саноат кўргазмаси очилди.



Кўргазмада Туркиянинг 40 дан зиёд фирмаси ўз мамлакатининг экспорт имкониятларини намойиш этмоқда. Тошкентга келтирилган товарлар орасида машинасозлик, электроника саноати, матбаа-нашриплик, қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг маҳсулотлари бор.

— Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги алоқалар барқарор ривожланиб бормоқда, — дейди кўргазманинг очилиш маросимида Туркия жумҳуриятининг Ўзбекистон Республикасидаги буюк элчиси Вулқон Чўтур. — Бу қондош ва жондош халқларимизнинг азалий ҳамкорлиги ва бирodарлигини тиклаш ва тараққий эттиришда муҳим омилдир. Туркия савдо-саноат кўргазмаси ташкил этилиши ҳам бу борадаги яна бир қадамдир. Маълумки, Ўзбекистон истиқлолга эришгандан буён Туркия товарлари кўргазмаси учинчи марта намойиш этиляпти. Бу каби кўргазмалар ҳар иккала мамлакат ишбилармонлари ўртасида қўшма корхоналар тузиш, ўзаро ҳамкорлик ҳақида аҳдлашувларга сабаб бўлаётганлиги қувончлидир.

• Спорт

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ— «ПАХТАКОР»ДА

Эрта баҳордан бошланган футбол мавсуми ниҳоясига етди. Куни кеча олий лига жамоалари ўртасида сўнгги учрашуви ўтказилди. «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон кубоги учун ҳал қилувчи ўйин бўлди. Майдонга «Пахтакор» футболчилари билан Наманганнинг «Навбаҳор» ўйинчилари тушдилар.

Маълумки, кубок ўйинлари ҳамиша қизиқарли ва тасодифларга бой бўлади. Мухлислар кутганидек, биллур соврин учун финал учрашуви ҳам муросасиз баҳсга айланди. Учрашувнинг биринчи қис мида томонлар синовчан ҳаракат қилдилар. Ҳар иккала томон ҳам ҳимоя билан ҳужумкорликни уйғунлаштириб тўп уришга, дарвозалари дахлсизлигини таъминлашга зўр беришди. Лекин асосий воқеалар танаффусдан кейин бошланди.

Пахтакорчилар ҳисобни очиш учун бор имкониятларини ишга солишди. Нўъмон Ҳасановнинг дарвоза олдидаги хавфли вазиятдан уддабуронлик билан фойдаланиши жамоага наф келтирди. У чаққонлик билан тўпга бош билан зарб бериб, ҳисобни очди. Энди навбаҳорчилар олдида қандай бўлмасин ҳисобни тенглаштириш вазифаси турарди. Лекин бунинг уддасидан чиқиш осон бўлмади. Пахтакорчилар бўш келишмади.

Навбатдаги ҳужум пайтида Миржалол Қосимов ўзини кўрсатди. У Илҳом Шарипов оширган тўпни дарвозага аниқ йўллаб, пахтакорчилар ғалабасини мустаҳкамлади. Мухлислар ҳисоб шу таҳлитда ўйин охиригача қолса керак, деган фикрга бордилар. Аммо ҳакам ҳуштаги янграши олдидан Рифат Галиев учинчи тўпни дарвозага йўллаб, пахтакорчилар зафарига зафар қўшди. Шундай қилиб пахтакорчилар биринчи марта Ўзбекистон кубогини қўлга киритдилар. Биллур совринни республика спорт қўмитаси раиси Собир Рўзиев пахтакорчи Абдуқаҳҳор Маъруфалиевга тантанали суръатда топширди. Шунингдек, пахтакорчиларга республикада футболни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан бир миллион сўм пул мукофоти ҳам бериладиган бўлди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ўзбекистон Республикасининг "Самаркандконтрактторг" ишлаб чиқариш-савдо бирлашмаси барча манфаатдор корхоналар, ташкилотлар, фирмалар, жамоа ва давлат хўжаликлари, кичик корхоналарни, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни

1993 йил 25 ноябрда

Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган

ЯРМАРКАДА

таклиф этади

Ярмарка дастурида:

Корхоналар, ташкилотлар ва кооперативлар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилади;
Савдо-сотик битимлари тузилади;
Бартер операциялари амалга оширилади;
Минтақа корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сотилади.

Ярмарка ўтказиладиган манзилгоҳ: Самарканд шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 85 "А",
Ишлаб чиқариш-савдо бирлашмасининг кўргазмалар залида.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-50-77, 33-00-24, 35-77-11.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО БИЗНЕС—МАРКАЗИ ВА САЙЁҲ ИНТУР БИЗНЕС

Сизларни Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Олмония, Малайзия — Сингапур, Жанубий Корея мамлакатлари бўйлаб қизиқарли саёҳатларга таклиф қилади.

Чет эл паспорти ва визасини расмийлаштириш, авиачипталар харид қилиш ва бошқа муаммоларни биз ўз зиммамизга оламиз.

Сизларни 33-84-54 телефони ёки Пушкин кўчаси, 17-уйда («Детский мир» универсал дўконининг рўпарасида) кутамиз.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4,44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624. Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21-00
Г—635. № 213. топширилди — 20.00
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.